

ЭРТА УЧУН ҲОЗИРЛИК

Ақли бор ҳар бир киши эртанги кунини, иқболини ўйлайди, унга ҳозирлик кўради.

Истиқбол ҳақидаги ўй, хоҳиш ва истаклар қанчалик турли ва ранг-баранг бўлмасин, барча инсонлар муқаррар етишадиган “истиқбол” бор. Ҳозирлик кўрган ҳам, тайёрланмаган ҳам, шаксиз, унга етишади. Аммо у кунга етишувда кишидан: «Қанча яшадинг, қанча мол тўпладинг, қанча илм олдинг, қанча фалон, қанча писмадон?» деб сўралмайди. Балки унда ҳар бир кишига умрини қандай ўтказгани, ёшлик йиллари қандай амалларга шижоат кўрсатгани, бойлигини қандай топиб, қандай сарфлагани,



билган илмидан қандай фойдаланганига кўра мақом берилади.

Барро ибн Озиб (розиёллоху анху) ривоят қилдилар:

«Биз Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан турганимизда бир тўп кишиларга кўзлари тушиб: “Улар нимага тўпланиб туришибди?” деб сўрадилар. “Улар қабр қазишмоқда”, дейишди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) сесканиб кетдилар, тез саҳобалар орасидан чиқиб, қабр олдига бордилар ва чўккаладилар. Мен Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) нима қилаётганларини кўриш учун олдиларига ўтдим. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) йиғладилар, ҳатто кўз ёшларидан тупроқ хўл бўлди. Сўнг бизга юзланиб: “Эй биродарларим, шундай кун учун ҳозирлик кўринглар...», деб марҳамат қилдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳнинг азобидан сақланинг! Ҳар бир шахс эрта кун (охират) учун нима хозирлаганига боқсин! Аллоҳнинг азо-**



бидан сақланинг! Аллоҳ қиладиган ишларингиздан хабардордир!” (Ҳаир, 18).

Муқаррар эртамиз учун солиҳ амаллар, рост сўзлар, яхши ниятлар, гўзал хулқ ва холис тоатлар билан ҳозирлик кўрайлик.

Муҳаммад СИДДИҚ



МУНДАРИЖА

<i>Амри маъруф</i> Муҳаммад СИДДИҚ Эрта учун ҳозирлик	1
<i>Таваллудинг 600 йиллиги</i> Фотима ТЕМУР Хожа Аҳрор Валий	4
<i>Бугуннинг гапи</i> Абдуҳолиқ ЖЎРАЕВ Жаҳолатни маърифат йўқотади	5
<i>Ижтимоий ҳаёт</i> Калвак Маҳзум ҳамон хуноб	8
<i>Тафаккур</i> Алоуддин БАШАР Севги нима?	14
<i>Ибратли ҳикоялар</i> Нажотни Қуръондан топдим	16
Қўй савдоси чўзилди	17
<i>Қомус</i> Оқибат	19
<i>Мовароуннаҳр алломалари</i> Ҳабибуллоҳ ЗАЙНИДДИН Мавлоно Али Қушчи	20
<i>Муносабат</i> Беҳзод АБДУСАМАД Пулларга тутқун “қуллар”	22
<i>Болалар саҳифаси</i> Тортишувнинг оқибати	23
<i>Шеърят</i> Сайфуллоҳ ҲАКИМИЙ “Ота-она кетдилар...”	24
Наима КУБРО Ўзинга талпинурман	25
Муҳаммад СИДДИҚ Инсон қалби шаффофроқ	25
<i>Наҳйи мункар</i> Имом ШАЪРОНИЙ Шарафлар моллардан юксакдир	26
<i>Насиҳат</i> Зухриддин эшон ШАҲРИХОНИЙ Камолот йўли	27
<i>Мунаввар олам</i> Абдуқаҳҳор ШОШИЙ Гўзал ибратлар гулдастаси	28
<i>Қадрят</i> Комилжон ТУРДИҚУЛОВ Лавҳ	32



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Масала

6

НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Такбири таҳрима қиёмда (тик турган ҳолда) айтилади. Уни ўзи эшитадиган даражада шивирлаб ай-тиш керак. Агар так-бири таҳримани ўзи эшитмаса ҳисоб бўлмайди.



Хабарлар

10

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Маишхур боксчи урушга қарши



“Мен ҳар қандай урушга қарши-ман, шунинг учун чемпионлик ун-вонимни тортиб олиб, ҳатто қамоқ жазоси билан қўрқитганларига қарамай, Вьетнамда хизмат қилишдан бош тортганман”.

Наҳйи мункар

Аҳмад ТУРСУН

12

“МУНАЖЖИМ”ЛАР
ҲАМИША АЛДАШГАН

Сўнгги йилларда газит-журноллар саҳифала-рини, радио ва телеэфирларни тўлдириб “Му-нажжимлар башорати” рукни остида ёлгонлар бе-рилаётир. Энг таажжубланарлиси шуки, туппа-тузук эсли-хушли, билимли зиёлилар ҳам ана шу “башорат”ларга, ундаги ваҳимали ёки тас-кин берувчи гапларга ишонадилар.

Ҳидоят топганлар

18

ҲАЁТНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Мен Исломни бирданига англаб етдим деб айта олмайман. Вақт ўтган сайин ҳаётим ва дунёқарашим ўзгариб борар эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мен бу ҳаёт синовларидан ўтиб олдим. Бирданига эмас албатта, бу йўлда бир неча босқичларни босиб ўтдим.

Шеърият
Саид ОРИФ

24

Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт

Жамолинг ҳар онда кўргим келади,
Жон нисор, тоатда тургим келади.
Нурингни кўзимга сургим келади,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Мерос
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

28

ТЎҒРИЛИК ВА ЁЛҒОН

Тўғриликни фикрда, сўзда, муомалада,
ваъдада тўғри бўлиш каби турларга айириш
мумкин.

Тарих
Фазлиддин ТОШЕВ

30

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН

Қосим Шайхнинг йирик мутасаввиф бўлиб етишувида Шайх Худойдоднинг таъсири катта бўлди. Шайх Худойдод ўз вагани бўлмиш Самарқанд яқинидаги Фазира қишлоғидан Бухорога келар ва нақшбандия тариқатидаги жўйбор шайхлари билан орифона суҳбатлар қураб эди. Шайх Худойдод билан яқиндан танишиб, унинг зикрларида иштирок этгач, тасаввуфнинг ботиний моҳиятини англади, файзидан баҳраманд бўлди.

«HIDOYAT»
Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани
Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Юлдуз АСҚАР қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 18 августда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2004 йил 24 августда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7000 нусха. 243-
сон буюртма. «КОНИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.



Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрорнинг болалик-ларидаёқ гўзал ҳоллари, кароматлари кўрилди. Ўзлари шундай дейдилар: «Мактабга бориб келардим. Кўнглим доим Аллоҳ таоло билан эди. Бир он Аллоҳни (ж.ж.) унутмас, бир он Аллоҳ таолодан ғофил бўлмасдим. Совуқ қиш кунда бир даладан ўтиб борар эканман, оёғим лойга ботди. Қутулмоққа ҳаракат қилдим, оёғимни тортдим, оёқ кийимим суғурилиб тушиб қолди. Фафлатда қолдим, деб ўйладим. Қутулишга уринаркан Аллоҳни эслашдан чалғидим, деб куюндим. Қаршимда қишлоқлик бир йигит дала ишларига банд эди. «Қара, бу йигит бунча азият ичида Аллоҳни ўйламоқда, сен оёғингни лойдан чиқаришдек кичик бир ишда Аллоҳни қандай унутдинг?!» дея хўнграб йиғлай бошладим. У вақтларда ҳамма ўзимдай ҳар он Аллоҳни эслаб юради, деб ўйлардим. Балоғатга етгунча Аллоҳдан ғофиллар бўлишини билмасдим».

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

* * *

Бу шайхлари билан танишувларини шундай ҳикоя қила-

дилар: «Хиротга борганимда хушрўй ва хушхулқ бир тужжор билан танишдим. Хожагон йўлида эканлиги маълум бўлди. Бу йўлни кимдан олганини (яъни, ким сабаб булиб, бу йўлга келганини) сўрадим. Яъқуб Чархийдан олганини айтди. Менга Яъқуб Чархийнинг буюкликларини ва афзал ҳолларини сўзлаб берди. Шундан сўнг ҳазрат Яъқуб Чархий яшаётган Халфакуга, у зотнинг суҳбатларига етишиш учун йўлга чиқдим.

Чиганиёнга боргунча хасталандим. Тараддудда қолдим. Лекин шунча йўл юргач, ортга қайтмаслик кераклигини ўйлаб, йўлимда давом этдим. Ҳазрат Яъқуб Чархий ҳузурларига етгач, буюк илтифотлар кўрсатдилар. Шундан сўнг бошқа бир гал борганимда дағал муомалада бўлдилар. Бунинг сабаби йўлда ҳақларида гапирганларнинг сўзларини тинглаб, ҳузурларига борсамми ё бормасамми, деб тараддудланганимдир, деб ўйладим. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, яна яхши муомала ва лутф этдилар».

Хожа Аҳрор Валий Яъқуб Чархий ҳузурларида уч ой қолдилар. У зотдан файз олиб, тасаввуф ҳолларида юксалдилар. У зотдан ижозат олдилар. Исломият (амр, тақиқлари)ни англашиб хайрлашарканлар, робита шартини тайинладилар: «Бу йўлни таълим этаркан, даҳшат ҳисси уйғотмасликка диққат этинг! Омонатни истаклиларга ва истъодлиларга етказинг», дедилар.

* * *

Яқуб Чархий Хожа Аҳрор Валий тўғриларида шундай марҳамат этганлар: «Бир толиб бир буюк ҳузурига келса, Хожа Убайдуллоҳ каби келсин. Қандилни олган, пилик ва ёғни ҳозирлаган, унинг ёниши учун фақат бир олов топмоқ зарурати қолган, холос».

Фотима ТЕМУРнинг

«Кўнгли дўстлари» китобидан

Убайдуллоҳ Аҳрор тарбияларида ғайрат кўрсатган тоғалари Иброҳим бўлдилар. У зотни Шошдан илм таҳсили учун Самарқандга олиб келдилар. Икки йил Мовароуннаҳрда буюк олим ва воизларнинг илм мажлисларида ва суҳбатларида иштирок этдилар. Бухорода, Ҳиротда ва бошқа ерларда ҳазрат Баҳоуддин Бухорийнинг машҳур шоғирдлари суҳбатида бўлдилар. Хожагон йўли буюкларини билан суҳбатлашдилар. Хуросонга бормасдан аввал Саййид Қосим Табризий суҳбатида бўлдилар.

Бу зот ҳақларида Хожа Аҳрор бундай марҳамат қиладилар: «Умримда Саййид Қосим Табризийдан буюк зот кўрмадим. Замон шайхларининг қайсинисига борсам, менда бир нисбат ҳосил бўларди, лекин тезда ўтиб кетарди. Саййид Қосим Табризий суҳбатларида шундай бир таъсир ва кайфият ҳосил бўлдики, қўлдан қўйиш мумкин эмас эди».

Хожа Аҳрор Валий тўрт йил бу хожасининг суҳбатларида бўлдилар. Шундан сўнг асосий муршиди ҳазрат Яъқуб Чархийга талаба бўлдилар ва у зотнинг суҳбатларида камол топдилар.

Муайян бир сиёсий ё иқтисодий мақсадга етиш учун террор, қўпуровчилик, ўз жонига қасд қилиш каби жирканч ва ҳеч оқлаб бўлмас йўллардан фақат номардларгина фойдаланади. Афсуски, бу иллат бизнинг диёримизга ҳам кириб келди. Шу йилнинг 30 июл куни пойтахтимиз Тошкентда яна оғир жиноятлар содир этилди. Одамлар қурбон бўлди.

Террор балосининг аниқ бир ватани, миллати ё дини йўқ. Террорчи тўдалар, даҳрий, ғайринсоний жамиятлар анойи эмас. Улар ғаразли ва кир мақсадларини, нафсоний манфаатларини ниқоблаб энг тоза ва энг тўғри йўл бўлган Ислом дини шаънини булғамоқдалар. Содда, ишонувчан одамлар наздида динимизни ёмонлиқ қилиш пайидадирлар.

Террорнинг илдизи Исломдан ташқарида. Асл мўмин-муслмон ҳеч қачон ноҳақ қон тўкмайди. Зеро, “Аллоҳ бузғунчилик (фасод)ни севмайди” (Бақара, 205). Динимиз моҳиятини англаганлар бунга яхши билади. Аммо орамизда бу ҳақиқатни билмайдиганлар йўқми? Иншааллоҳ, имонлиб турдолошаримиз, айниқса етук уламоларимиз жонкуярлиги билан тўғри ва нотўғри йўлни таниб олганлар сафи кўпайиб бораёттир. Ўзбекистон Муслмонлари идораси ҳам ёшлар ўртасида динимиз моҳиятини тушунтириш, айниқса, диний билим юртлари талабаларини ҳартомонлама комил инсон этиб тарбиялаш ишларига катта эътибор бермоқда. Юртимизнинг ана шундай ўқув даргоҳларидан бирида амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

ЖАҲОЛАТНИ МАЪРИФАТ ЙЎҚОТАДИ

Жаҳолатга фаол маърифат бас кела олиши мумкин. Ақл-идрок, имоний саъй-ҳаракат билан ҳар қандай хунрезликнинг олдида гов ташласа бўлади. Жумладан, террорнинг ҳам. Аммо ҳамма бало ҳақиқий илму ирфондан йироқликдан, юзаки гап-сўз, миш-мишларга берилишдан, ғофилликдан келиб чиқади. Шу боис Аллоҳ таоло Куръони каримда “**Тафаккур қилмайсизларми?**” деб қайта-қайта таъкидлайди. Нодонлик, жаҳолат эринчоқликдан ҳам туғилади.

Ёшлар жамиятнинг таянч нуқтасидир. “Кўкалдош” мадрасасида диний илмлар баробарида талабаларнинг маънавий ва жисмоний камолотларига ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Мадрасада ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар шу мақсадга қаратилган. Шу маънода биз ўтган ўқув йилининг бошидан буён анча-мунча амалий ишлар қилдик. Талабалар ўртасида Ҳадисхонлик, Куръони карим тажвид билан ўқиш ва маъноларини англаш бўйича мусобақалар уюштирилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртлари раҳбар ўринбосари подполковник Рустам Йўлдошев билан давра суҳбати ўтказилди. “Гиёҳвандлик аср вабоси”, “Сиз қонунни биласизми?”,

“Террорнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари”, “Саховатлилик — энг олий туйғу”, “Ватан ҳимояси олий саодат” каби мавзуларда таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этилди.

Мадрасамиз талабаларининг ақлан ҳам, жисмонан ҳам етук, соғлом бўлишини истаймиз. Шу боис спорт тўғараклари мунтазам ишлайди. Натижалар ёмон эмас. Бир мисол. Ўтган ўқув йилида республика коллеж ва академик литсейлари ўртасида ўтган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида мадрасамиз жамоа ҳисобида иккинчи, талабамиз Аҳмадjon Шерматов эса энгил атлетикадан биринчи ўринни қўлга киритди.

“Кўкалдош”да маърифат ва маънавият борасида қилинаётган ишларнинг бир қисмини тарғибот учун эмас, балки яқинда содир бўлгани каби мудҳиш воқеаларнинг йўлига гов қўйиш мақсадида айтаман. Март ойи охиридаги хунрезликнинг айрим манзаралари шундоқ ёнгинамизда, Чорсу бозорида юз берганига гувоҳ бўлган “Кўкалдош” мадрасасининг каттадан кичигигача, террорчиликка қарши ўз муносабатларини, амалий жонкуярликларини кўрсатишди. “Огоҳлик муқаддас бурч”, “Аҳлилик ва биродарлик сари” шиорлари остида барчамиз қўли-

миздан келганича тушунтириш ишларига шошилдик. Жумладан, мадраса мудири Абдулҳаким қори Матқулов “Халқ сўзи” рўзномасида “Ҳаёт — инсонга берилган олий неъмат” мақоласи билан чиқди. Мударрисларимиздан Абдусалом Восиев “Камолон” маҳалласида “Аҳил бўлайлик”, Раҳимберди Раҳмонов Тошкент шаҳридаги аёл-қизлар ахлоқ тузатиш уйида “Ўз жонига қасд қилиш катта гуноҳ”, камина Тошкент вилояти ҳарбий прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда Чирчиқ ҳарбий қўмондонлиги ҳаво десантти, қўриқлаш, чегара қўшинлари даврасида “Исломда террорчиликка йўл йўқ” мавзуларида динимиз йўл-йўриқларини айтдик, фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик.

Мадраса Шайхонтоҳур тумани Гулбозор маҳалласи худудига киради. Талабаларимиз шу маҳалланинг тинчлигини сақлаш учун ўз ихтиёрлари билан кечакундуз посбонлик қилишди. Бунинг гувоҳи бўлган туман маъмурияти ва маҳалла фаоллари мадрасамизнинг олти нафар талабасини фахрий ёрлиқлар билан тақдирлашди.

Абдуҳолик ЖўРАЕВ,
“Кўкалдош” мадрасаси мудирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Намоз вақтлари

Ҳар бир мусулмон бир кеча кундузда беш вақт намоз ўқиши керак. Бу Қуръони карим ояти билан собит бўлган фарзdir. Тонг отганидан кун чиққунича бўлган оралиқда бомдод, куёш тиккага келиб, сал отганида пешин, соя аслидан икки баробар узайганида аср, кун ботган заҳоти шом, куёшнинг шафағи уфқдан буткул йўқолганидан кейин хуфтон намозлари адо этилади.

Қачон қандай намоз ўқилади?

Бомдод икки ракат суннат ва икки ракат фарз намозларидан иборатdir. Пешинда тўрт ракат суннат намози, тўрт ракат фарз намози ва икки ракат суннат намози ўқилади. Асрда тўрт ракат фарз намози ўқилади. Шомда уч ракат фарз намози ва икки ракат суннат намози ўқилади. Хуфтонда тўрт ракат фарз намози, икки ракат суннат намози ўқилади. Ва яна уч ракатли (витр) вожиб намози ҳам хуфтондан кейин ўқилади.

Икки ракатли барча (фарз, суннат ва нафл) намозлар бир хил тартибда ўқилади. Улар фақат ниятда фарқланади. Аммо вожиб (витр; ийд) намозларини ўқиш тартиби сал бошқачароқ. Бу хусусда алоҳида баён этамиз.

Намоз ўқимоқчи бўлган киши намоз ўқиш учун қўйилган шартларни бажариши керак. Яъни, бадани, кийимини поклаши, пок жойда туриши, қиблага юзланиши ва ўқимоқчи бўлган намозига ният қилиши керак. Киши ўқимоқчи бўлган намозга ният қилиб, “Аллоҳу акбар”, деб такбири таҳрима айтгач, намозга кирган ҳисобланади ва намоз амалларидан

бошқа амалларни қилиши мумкин бўлмайди.

Такбири таҳрима қандай айтилади?

Такбири таҳрима қиёмда (тик турган ҳолда) айтилади. Уни ўзи эшитадиган даражада шивирлаб айтиш керак. Агар такбири таҳримани ўзи эшитмаса ҳисоб бўлмайди.

Такбири таҳрима айтишда қўлларни кўтариш суннатdir. Бу амал шундай бажарилади: такбири таҳрима айтишни бошлаш билан қўл бармоқларини ўз ҳолича қўйиб, кафт ичи қиблага қилиб кўтарилади ва такбири таҳриманинг “р” товуши айтилганида бош бармоқлар қулоқларнинг юмшоғига текказилади. Бунда бошни эгмаслик керак. Такбири таҳрима айтишда қўлларни енгдан (агар енг узун бўлса) чиқариш суннатdir.

Такбири таҳрима айтиш миқдорича туришга қодир бемор фарз ва вожиб намозларга ўтириб такбири таҳрима айтса, дуруст бўлмайди.

Ният ва такбири таҳрима ўртасига ҳеч нарса қўшилмаслиги керак. Намозга ният қилган заҳоти кетидан такбири таҳримани айтиш лозим.

Жамоат намозига имомга иқтидо қилганлар такбири таҳримани ва барча интиқол (намозда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтиш) такбирларини айтишлари керак. Бундаги мезон: имом “Аллоҳу акбар”нинг охирги «р» товушини айтиши билан унга эргашганлар «Аллоҳу акбар»нинг биринчи “а” товушини бошлашлари керак. Имомдан олдин такбири таҳрима айтган киши намозга кирган бўлмайди. Такбири таҳриманинг “Аллоҳ” лафзидаги биринчи “а” товушини ва “акбар” лафзидаги иккинчи “а” товушини чўзиб айтган киши ҳам намозга кирган бўлмайди.

Агар интиқол такбирларини шу тарзда айтса, намози бузилади.

Аёллар қўл бармоқларининг учларини елкалари баробарига кўтарадилар. Қўлларини енгларидан чиқармайдилар.

Такбири таҳримадан сўнг нима қилинади?

Такбири таҳримани айтгач, қўлларни боғлаб, эркаклар киндиклари остида, аёллар сийналари устида тутадилар (қўлларни боғлаш тартиби аввалроқда айтилди) ва сано ўқийди. Сано будир: “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук”. Санодан сўнг таъаввуз (“Абузу...”) ва тасмия (“Бисмиллаҳи...”) айтилади (Бу учаласи намозда доимо ичда ўқилади). Тасмиядан сўнг Фотиҳа сураси ўқилади ва у тугагач, ичда “Амийн” дейилади. Сўнг тасмия айтмай яна бир сура ўқилади.

Рукуга қандай борилади?

Сура ўқиб бўлиниши билан “Аллоҳу акбар” деб руку қилинади. “Аллоҳ” лафзининг илк “а” товушини тик турганида айтиб, “акбар” лафзининг охирги товуши (“р”) айтилганида руку ҳолида бўлиш керак.

Имомга эргашган киши

Жамоат билан ўқилган намозда имомга эргашган киши имом овозини чиқариб ўқимаётган бўлса, фақат сано ўқийди. Фотиҳа ва унга қўшиб сура ўқимади. Имом Фотиҳа сурасини тугатса, ичда “Амийн” дейди. Жамоат намозига бир неча ракатдан сўнг қўшилган киши қолдирган ракатини ўқишга турганида сано ўқийди, тааввуз ва тасмия айтади.

Рукуда камида уч бор тасбеҳ — “Субҳана роббиял азийм” айтилади. Тасбеҳни танҳо ўқув-

чи беш, етти марта айтса ҳам бўлади. Аммо имом уч мартадан ошиқ тасбеҳ айтмаслиги керак.

Қавма

Рукуда уч бор тасбеҳ айтиб бўлгач, тасмеъ айтиб (“Самий-аллоҳу лиман ҳамидаҳ” деб) қавма ҳолига қайтилади. Қавмада қўллар боғланмайди, ёнда тутилади. Тасмеънинг “с” товушини руку ҳолида бошлаб, “даҳ” товушларини айтганида қавма ҳолида бўлиш керак. Қавма ҳолига келгач, “таҳмид” айтилади — “Роббана лакал ҳамд” дейилади.

Жамоат намозида имом фақат тасмеъ айтади, унга эргашганлар эса, таҳмид айтишади, холос.

Саждага қандай борилади?

Сўнг “Аллоҳу акбар” деб саждага борилади. Бунда “Аллоҳ” лафзининг “а” товушини қавмада бошлаб, “акбар” лафзининг “р” товушини саждага пешона тегар пайти айтилиши керак.

Саждага боришда эътибор бериладиган жиҳат шуки, аввал тиззалар билан ерга тик тушиш лозим. Тиззалар ерга текканидан сўнггина олдига букилади ва икки қўл, бурун ва пешона белгиланган тартибда ерга қўйилади. Аввал олдга эгилиб, сўнг тиззани букиб саждага бориш нотўғридир. Саждада камида уч бор тасбеҳ — “Субҳана роббия аъла” айтилади. Бу тасбеҳни ҳам намозни ёлғиз ўқиган киши беш, етти марта айтса бўлади. Тасбеҳ айтиб бўлгач, “Аллоҳу акбар” деб ўтирилади, қаъда ҳолида бўлади.

Жалса нима?

Саждадан “Аллоҳ” лафзининг “а” товушини айтиб бош қўтариб, “акбар” лафзининг “р” товушини айтганида қаъда ҳолида бўлиш керак. Бундай икки сажда ўртасидаги ўтириш «жалса» дейилади. Жалса бир тасбеҳ айтиш миқдорича бўла-



ди. Бу суннатдир. Сўнг “Аллоҳу акбар” деб иккинчи бор саждага борилади. “Аллоҳ” лафзининг “а” товушини жалсада айтиб, “акбар” лафзининг “р” товушини айтганида сажда ҳолида бўлиш керак. Бу саждада ҳам аввалгидек тасбеҳ айтилади.

Қиёмга туриш

Иккинчи саждада тасбеҳ айтиб бўлгач, “Аллоҳу акбар” деб қиём ҳолига қайтилади. Қиёмга туришда аввал бош, кейин икки қўл, сўнг тизза ердан узилади (шу ерда биринчи ракат тугайди). “Аллоҳ” лафзининг “а” товушини сажда ҳолида айтиб, “акбар” лафзининг “р” товушини айтганида қиём ҳолида бўлиш керак. Бу дегани такбир ҳаракатга эмас, балки ҳаракат такбирга мувофиқ бўлсин деганидир.

Саждадан қиём ҳолига қайтишда ерга суяниб турилмайди, балки тиззаларига суяниб турилади (узрли кишилар мустасно).

Саждадан қиём ҳолига қайтиш билан иккинчи ракат бошланади. Иккинчи ракатда такбири таҳрима, сано ва таъаввуз йўқ. Биринчи ракатда айтилган ҳамма амаллар иккинчи ракатда ҳам такрорланади.

Қаъда нима?

Иккинчи ракатнинг иккинчи саждасидан сўнг ўтириш «қаъда» дейилади. Қаъдада “ташаҳҳуд” ўқилади. Намоз икки ракатли бўлса, “ташаҳҳуд” дан кейин саловот ва дуо ўқиб намозини тугатади. Агар уч ё тўрт

ракатли бўлса, бу қаъдада “ташаҳҳуд” ни ўқиб бўлгач, “Аллоҳу акбар” деб учинчи ракатга турилади. Бунда “Аллоҳ” лафзининг “а” товушини қаъда ҳолида айтиб, “акбар” лафзининг “р” товушини айтганида қиём ҳолида бўлиши керак. Қаъдадан қиёмга туришда ерга суямай, балки тиззага таяниб турилади. Агар ўқиётган намоз фарз намози бўлса, учинчи ва тўртинчи ракатларнинг қиём ҳолида тасмия айтиб, фақат Фотиҳа сураси ўқилади, холос. Агар ўқиётган намоз суннат ё нафл намози бўлса, Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир сура ҳам қўшилади.

Охирги қаъда ва салом

Ўқиётган намознинг ҳамма ракатлари тўла адо қилинган, охирги қаъда ҳолида “ташаҳҳуд”, саловат ва дуо ўқилади. Сўнг ўнг елкага қараган ҳолда “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” деб салом берилади. Сўнг чап елкага қараб ҳам худди шундай салом берилади. Намоз танҳо ўқиётган бўлса, фаришталарга салом бераётгани кўнгилдан ўтказилади. Агар намоз жамоат билан ўқиётган бўлса, имом унинг тўғрисида бўлса, икки томонга салом бераётганида ҳам кўнгилдан имомни, ёнидаги намозхонларни ва фаришталарни ўтказилади. Агар имом унинг бирор томонида бўлса, шу томонга салом бераётганида имомни, ёнидаги намозхонларни ва фаришталарни кўнгилдан ўтказилади.

Муҳаммадшариф ЖУМАН

КАЛВАК МАХЗУМ ҲАМОН ХУНОБ

Ҳаракатчан, билимдон, изланувчан бу кишини нафақат Тошкентда, ҳатто вилоятларда ҳам яхши танишади. Уни ҳамиша ё бир даста китоб қўлтиқлаб шошиб кетаётган ёки янги чиққан китобларни ахтариб наشريётларда юрганида учратасиз. Китоб билан боғлиқ биронта маълумот, далил, рақам унинг назаридан четда қолмайди. Ўзимиздагиларни-ку қўяверинг, Олмонияда бўлиб ўтган сўнгги халқаро китоб кўргазмасида 350 минг номдаги китоб намойиш этилганидан тортиб, дунёда энг ривожланган мамлакатлардан Шветсария кутубхона-ахборот тармоқлари жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринда эканигача билади.

Табиийки, тошкентлик китоб мухлиси ва тарғиботчиси Фатхулла Қодиров билан суҳбатимиз китоб, кутубхона, китобхон мавзусида кечди.

— **Фатхулла ака, сизда китобга шайдолик қачон бошланган?**

— Оиламиз ўқимишли, зиёли оилалардан бўлган. Аҳмад Ясавий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз, Сўфи Аллоҳнинг китоблари мутолаа қилиб турилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и ҳам оила даврасида тез-тез ўқилган. Ўзим авиатсия техникумининг кечки бўлимида ўқирдим. Кундузи заводда ишлайман. Бўш вақтим йўқ ҳисоби. Шундай бўлса ҳам, уйқуни қисқартириб, кўпинча трамвай-автобусда китоб ўқирдим, китобдан ажралмасдим. Ҳозирги айрим ёшларнинг “китоб ўқишга вақтим етишмаяпти”, деганини эшитиб, гапнинг рости, энсам қотади.

— **Дарҳақиқат ҳозир одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гап-сўзлар кўпайиб қолган.**

— Умуман, бозор иқтисоди деган гап чиққанидан буён кишиларнинг китобдан хийла узоқлашгани ростга ўхшайди. Сабаби, кутубхоналар, китоб дўконларининг кўпи ёпилиб кетди. Борларининг эса китоб заҳираси янги китоблар билан бойитилмаяпти. Ваҳоланки, атиги беш милён аҳолиси бор Финландияда бир минг беш юз оммавий йирик кутубхона, шунча китоб тарқатиш паккаси, икки юз элликта кўчма кутубхона (библиобус) бор экан.

Аммо шу нарса тасалли берадикки, азалдан китобхон миллатимиз. Ўлкамизда бундан бир минг етти юз йил олдин ҳам кутубхоналар бўлган. Тарихдан маълумки, ҳар бир мадраса, масжид, ҳукмдорлар саройи қошида минглаб жилд китобли кутубхоналар ишлаб турган. Улардан олиму талаба, ҳунарманду ҳукмдор баравар фойдаланган. Бухоро амири Муҳаммад Мансур саройининг кўп қисми китобга ажратилган экан. Ўзини даволагани учун у Ибн Синога улардан фойдаланишга ижозат берган. Улуғ ҳаким бу ерда одамлар ҳатто номини ҳам эшитмаган китоблар борлигини ёзган. Милодий 963 йили вафот этган Муҳаллабий деган вазирнинг кутубхонасида бир юз ўн саккиз минг жилд китоб бўлган.

— **Ҳозир ҳам кутубхоналар кўп-ку?..**

— Эй биродар, тўғри, сон жиҳатидан кўп. Аммо Тошкентдайдан шаҳри азимда Алишер Навоий номли, “Турон”, Фанлар академияси кутубхонаси каби уч-тўрттасини ҳисобга олмасак, китобхонлар гавжум қатнайди-ган, излаган китобини топа оладиган зиёхоналар кам қолди. Вилоятлардаги, туманлардаги аҳвол ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Бир вилоятдаги марказий кутубхона директори янги китоб харид қилишга йи-

лига беш юз минг сўм маблағ ажратилганидан зорланиб қолди. Вақтли матбуотга обуна пули ҳам шунинг ичиди эмиш. Боз устига, марказлашган тартибда ҳеч ким ўқимайдиган китобларни ҳам юбориб туришаркан. Қолаверса, беш юз минг сўмга ҳам асосан бадиий, илмий адабиётлар, дарсликлар харид қилинаркан. Диний-маърифий китоблар деярли олинмас эмиш.

— **Халқимизнинг асосий қисми мусулмон бўлгани ҳолда, айтганингиздай кутубхоналардан ана шундай китобларни топиш мушкул, дейишади...**

— Очиғини айтиш керак, дин соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳозир мамлакатда Ислом университети, олий Ислом институти, ўндан зиёд Ислом ўртамаҳсус билим юрти ишлаб турибди. Уларда минглаб талаба таҳсил оляпти. Кейинги йилларда кўплаб диний адабиётлар, дарсликлар, диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Термизий, Моғуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий, мазҳаббошимиз Имоми Аъзам каби улуғ алломаларнинг, Ҳаззолий, Румий, Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби даҳоларимизнинг китоблари босилиб чиқди. Аммо кутубхоналардан бу ва шунга ўхшаш асарларни, бошқа диний-маъри-



фий китоблар ва дарсликларни топиш қийин. Имтиҳонлар олдидан талабалар зир югуриб китоб излашга тушишади. Қолаверса, зиёлилар, илм кишилари орасида ҳам исломий адабиётларга қизиқиш ортиб борапти. Аммо 20-йилларда Абдулла Қодирийнинг машҳур асари қаҳрамони Калвак маҳзумни хуноб қилишганидай, кутубхоналаримизда “Шарҳи виқоя”, “Шарҳи Мулла Жомий”, “Маслаки муттақийн”, “Кимёи саодат” каби китобларни ҳозирда ҳам топиб бўлмайди. Буларни қўйтурайлик, уларда мамлакатимизда кейинги йиллари чоп этилган Қуръони карим маънолари таржимаси, “Саҳиҳи Бухорий”, “Ҳидоя”, “Сунани Термизий”, “Тафсири ҳилол”, “Мажмаъ ул-мақсуд” каби машҳур китоблар ҳам йўқ.

— **Аҳволни тузатиш учун, сизнингча, нима қилиш керак?**

— Биринчидан, мавжуд кутубхоналар, диний ўқув юртларидаги зиё масканлари жамғармаларини диний-маърифий китоблар билан мунтазам тўлдириб бориш керак. Чунки бундай қилинмаса, яқин орада ана шу каби китобларни топиб бўлмай қолади. Иккинчидан, Тошкентнинг

камида уч-тўрт жойида, ҳар вилоятда биттадан диний-маърифий ва маънавий асарлар кутубхонасини ташкил этиш вақти келди. Хусусан, Чорсудаги Хожа Аҳрор Валий масжидлари ёнида бу зот қурдирган эски масжид биноси бор. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти Тошкент шаҳар бўлими мазкур “Гулбозор” масжидини кутубхона сифатида фойдаланишга берган. Стол-стул, китоб жавони каби анжомлар ҳам бор. Эллик минг жилд китоб ҳам тўплаб қўйганмиз. Шу ерда маърифий-маънавий, диний китоблар қироатхонаси, бир илм маркази ташкил этилса, яхши бўларди. Ҳамма шароит бор, фақат кутубхона мақомини белгилаб, очишга ижозат берилса, кифоя. Ўтмишда кутубхоналарда зарур китоблардан нусха ёки парча кўчириб беришган экан. Бизда ҳам шу хизмат йўлга қўйилса, замонавий нусха кўчириш машиналари, компютерлар харид қилинса. Бу ерда тўпланган диний-маърифий китобларни, ноёб дарсликларни, Навоий, Бобур, Машраб, Яссавий, Сўфи Аллоҳёр каби мумтоз адабиёт даҳларининг асарларини шахримиз китоб дўконларидан топиш мушкул.

— **Назаримда, бир неча йил олдинроқ масжидларда ҳам кутубхоналар ташкил этишга киришилган эди. Бу иш нима бўлди?**

— Дарҳақиқат, 1999 йил 13 июлда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ҳар бир масжидда мўъжазгина кутубхона ташкил этиш, диний нашрлар савдосини йўлга қўйиш ҳақида алоҳида буйруқлари чиққан эди. Аммо, афсуски, бир-икки масжиддан бошқа жойларда бу зарур иш охирига етказилмади. Агар ҳар бир масжид кутубхонасида ўртача беш юз донадан яхши китоб тўпланди, республикадаги масжидлар

бир милён жилд китоб фондига эга бўлар эди.

— **Сўзларингиздан китоб ташвиқотидан кўнглингиз тўлмаётгани сезиляпти...**

— Маънавий-маданий меросимизнинг, улуғ аллома ва адибларнинг қанчалаб ноёб асарлари, диний адабиётлар чоп этиляпти. Аммо китобхонлар кўпинча бундан беҳабар қолишмоқда. Радио-телевидение, вақтли матбуот бу соҳага кўпда эътибор берармайди. Яхшиямки, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори каби жонкуяр имомларимиз бор. У киши ҳар жума мавъизасидан сўнг янги босилиб чиққан китоблар ҳақида маълумот бериб, сотиб олишга тарғиб этадилар. Бу соҳада “Ҳидоят” журнали ҳам яхши иш бошлади, янги китобларнинг рангли суратларини, уларга тақризларни босиб, овоза қиляпти.

— **Журналхонларга тилакларингиз борми?**

— Гуржиларда қизиқ бир одат бор экан: турмушга узатилаётган қизнинг сепига Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” китобини қўшиб беришаркан. Биз ҳам китобга шундай муносабатда бўлишни ўрганайлик. Ёш келин-куёвга Қуръони карим тақдим этайлик. Бир-биримизга янги китоб ҳадя қилишни, ўқиганларимиз ҳақида ўртоқлашишни бошлайлик. Бойларимиз маърака ва эҳсонларда китоб тарқатишни йўлга қўйсалар ёки китобга муҳтож талабаларга совға қилсалар, ёмон бўлмасди. Аллоҳ таоло илм излашни фарз қилган, илм эса китобсиз қўлга киритилмайди. Шундай бўлгач, Ҳақ таоло барчаларимизни илмга ва китобга интиладиган, рағбат кўрсатадиган бандаларидан қилсин! Омин...

Аҳмад ТУРСУН
сўхбатлауди

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Испания

ҳукуматининг қарори



га етган ва бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда.

Мусулмонлар давлат ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. “Конститутсияда белгилаб қўйилганидек, Испанияда “хур фикрли жамият” амал қилади. Шунинг учун, ҳукумат ҳар бир диний қарашни ҳимоя қилиши лозим”, дейди Агилар.

Вазир масжидлар фаолиятини яхшилаш учун зарур бўлган барча чораларни кўришга сўз берди. Келажакда Испания телевидиниесига фақат католикларнинг ваъзалари учун эмас, мусулмонларга ҳам алоҳида вақт ажратилиши режаланган. Ҳукумат мактабларида мусулмон ўқувчилар ота-оналарининг розилиги билан Қуръонни ўрганишлари мумкин.

Исломи ташкилотлари раҳбарлари Испания ҳукумати ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бу чора-тадбирлар ўзаро ҳамкорликка йўл очишини айтишди. “Эуропа-пресс”

Қуръони карим Интернетда

Қуръони каримни ёддан ўрганиш халқаро ташкилоти ва “Ҳарф” ширкати ўртасида Қуръонни ёдлаш имконини берувчи web-сайт ташкил этиш борасида битим тузилди. Битим ташкилот қароргоҳи жойлашган Макка шаҳрида бош котиб шайх Абдуллоҳ ибн Али Басфар томонидан имзоланди. Унинг айтишича, бу иш Қуръонни ўрганишда замонавий технология ютуқларидан фойдаланишдаги бир қадамдир.

Ташкилотнинг Қуръонни ёддан ўргатувчи воситаларни ишлаб чиқарадиган махсус бўлими бор. Шайх Абдуллоҳ ибн Али Басфар янги web-сайт Қуръонни ўрганишда бутун дунёдаги мусулмонларга ёрдам беришини ҳам айтиб ўтди.

ИНА

Исломи ташкилотлар фаоллиги

Фарбий Африқонинг ихчамгина Гамбия республикасида

ликасида маҳаллий ва халқаро исломий ташкилотларнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Шулардан бири — Исломи ишлар бўйича Олий кенгаш мусулмонлар ва уларнинг ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни диний адабиётлар билан таъминлаш, талабаларга стипендиялар ажратиш каби ишлар билан шуғулланмоқда.

Мамлакатда араб тилини ўргатувчи юзлаб мактаблар очилган. Бироқ бу тилнинг тижорат ва савдо-сотикда деярли ишлатилмаслиги муаммо бўлиб турибди. Аксарият жойларда расмий тил инглиз тили бўлгани учун битирувчиларнинг иш топилари қийин кечмоқда.

Гамбияда, шунингдек, халқаро Исломи ёрдам ташкилоти, Бутун жаҳон Исломи уюшмаси, Африқо мусулмонлари уюшмаси ва Исломи даъвати ташкилоти каби бир қанча халқаро исломий ташкилотлар ҳам фаолият юритмоқда.

ИНА

Саёҳат харитасида кўҳна масжидлар



Хитойга келган сайёҳлар энди мамлакатнинг энг диққатга сазовор обидалари сифатида Буюк Хитой деворидан ташқари бир неча юз йиллик тарихга эга масжидларни ҳам кўришлари мумкин. Миллий хитой меъморлиги услубида қурилган бу обидаларни кўрганлар дастлаб масжид деб ўйламасликлари мумкин. Бундай ўзига хос меъморий услуб бутун дунё мусулмонлари эътиборини ўзига тортади.

Мамлакатнинг Малайзиядаги элчиси Ху Зейсу Шанхай сайёҳлик маъмурияти вакилига Исломи тарихига оид Хитойдаги диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатлар ташкил қилиш мумкин деб ишонч билдирди. Малайзия-Хитой сайёҳлик уюшмаси президенти Чей Нгнинг маълумотларига кўра, Хитойда 50 милёнга яқин мусулмон истиқомат қилади.

The Star

Налчикдаги янги масжид

Шу йилнинг май ойида Русиянинг Қабардин-Болқор Мухтор Жумхуриятида сафарда бўлдим. Мамлакат пойтахти Налчик шаҳрида хайрли бир маросимнинг устидан чиқиб қолдим. Шаҳарда барпо этилган янги жомеъ масжидининг очилиш маросимида қатнашдим.

Замонавий меъморлик ютуқлари асосида, ис-



ломий нақшлар билан безатилган, ёнида икки минораси кўкка бўй чўзган бу муҳташам жомеъда намозхонлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Унинг очилиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Қабардин ва болқор халқлари тарихида илк бор бундай ҳашаматли ва улуғвор масжид барпо қилинди. Шунинг учун ҳам тантананага кўшни Қорачой-Черкес, Доғистон, Чеченистон, Ингушистон, Адигей республикалари мусулмонларининг намояндalари, диний ташкилотлар раҳбарлари етиб келишди. Шуниси қувонарлики, уларнинг аксарияти Бухоро ва Тошкент мадрасаларида таҳсил олиб, камолга етишган. Шимолий Қофқаз мусулмонлари бош муфтийи Исмоил Бердиев, Имоми Аъзам номидаги Черкес Ислom институти ректори Исмоил Бўстонов, Налчик шаҳридаги Ислom олий ўқув юрти ректори Шарафиддин Чочаев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

Кафедра мудири Ислomга кирди

Июл ойининг бошида Масковда Русия муфтийлари кенгаши (РМК) бошчилигидаги Русия Мусулмонлари миллий ташкилоти (РММТ) ва Русия Ислom қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тантанали анжуман бўлиб ўтди. Мусулмон ёшлар йиғилишида Русия Халқлар дўстлиги университетининг ижтимоий фанлар факултети хорижий тиллар кафедраси мудири филология фанлари номзоди Андрей Подгуренко шаҳодат келтириб, Ислom динини қабул қилди. РМК ўринбосари Муҳаммад Қорачой, Русия Ислom қўмитаси раиси Ҳайдар Жамол Подгуренкони ҳаётидаги муҳим воқеа билан табриклади. РММТ етакчиларидан Тарас (Абдул Карим) Черненко ҳам уни ташкилот номидан қутлаб, совғалар топширди.

Шу куни Русия мусулмонлари жамоаси яна икки ўрис оиласи ҳисобига ҳам кўпайди. Кеча сўнггида уларнинг исломий никоҳ маросими бўлиб ўтди.

www.islam.ru

Машҳур боксчи урушга қарши

“Аргументы и факты” газетига берган суҳбатида бутун дунёга машҳур боксчи Муҳаммад Али Ироқдаги урушга жуда салбий муносабатда эканини билдирди: “Мен ҳар қандай урушга қаршиман, шунинг учун чемпионлик унвонимни тортиб олиб, ҳатто қамоқ жазоси билан қўрқитганларига қарамай, Вьетнамда хизмат қилишдан бош тортганман”. Муҳаммад Али Амриқо фуқароси бўлган му-

сулмон сифати бундай воқеалардан иккитомонлама изтиробда эканини қўшимча қилди.

“Ислomни қабул қилишим ҳаётимдаги энг муҳим воқеа бўлган эди. Аввалига мухбирлар янги исмимни танқид қилиб, олдингидек» Кассиус Клей» деб аташда давом этишган эди. Шунда мен ҳар бир кишига бақариб “Исмим ундай эмас!” деб айтиб чиқишга мажбур бўлган эдим. Лекин ҳозир бутун дунёда мени Муҳаммад Али сифатида танишади”, — деди у.

Суҳбат ниҳоясида Муҳаммад Али энг сеvimли китоби Куръони карим ва ҳаётдаги бош мақсади Аллоҳга ҳамд айтиш, Ислomни тарғиб қилиш эканини айтиб ўтди.

www.islam.ru

Талоқ масаласи кўрилди

Ҳиндистоннинг Канпур шаҳрида ўтказилган «Бутун Ҳиндистон мусулмонларининг шахсий ҳуқуқлари мавзудаги учрашувида талоқ билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

“Оддий одамлар ҳатто Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) талоқни ёқламаганларини билишмайди. Бу борада маърифий ишлар олиб боришимиз зарур”, деди The Peninsula агентлиги аъзоси Зафариёб Жилоний. У ёшларга талоққа оид ҳуқмларни бу мавзудаги оят ва ҳадислар ёрдамида тушунтириш зарурлигини таъкидлади.

Анжуманда, шунингдек, исломий суд тизими доирасидаги бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

www.islam.ru

Биринчи марта



Ўттиздан ортиқ мусулмон мамлакатлари келгуси йили Саудия Арабистонида биринчи марта ўтказилаётган Ислom бирдамлик ўйинларида қатнашишга розилик билдиришди.

Саудия Арабистонининг ёшлар ва спорт ишлари бўйича котибияти берган маълумотга кўра, 2005 йилнинг апрел ойида эллик мамлакатдан олти мингдан ортиқ спортчилар келиши кутилмоқда. Яқинда розилик билдирган Малайзия ва Мали ҳам қўшиб ҳисобланса, ўттиз тўрт мамлакат ўйинларда қатнашишини расмий равишда маълум қилди.

Ўйинлар тўрт шаҳар — Макка, Мадина, Жидда ва Тоифда бўлиб ўтади.

www.sedmitsa.ru

“МУНАЖЖИМ”ЛАР ҲАМИША АЛДАШГАН

ЁКИ “БАШОРАТ”ЛАР ҚАНДАЙ ТЎҚИЛАДИ?

Қадар Аллоҳнинг сиридир. Инсоннинг тақдирини ҳам, новча ёки пакана, чиройли ёки хунук бўлиши ҳам, кўп ёки оз умр кўриши, соғлом ёки хасталиги, бой ёки камбағал бўлиши, бахтли ёки бебахтлиги буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло олдиндан белгилаб, низомга солиб қўйган. Бу ишларга аралашшишга, уни ўзгартиришга ожиз бандасининг ҳаққи ҳам йўқ, илми, ақли, кучи ҳам етмайди. Қадарга имон келтириш мўмин-мусулмонлар учун вожиб. Ақида китобларимизда ёзилишича, тақдир тўғрисида чуқур хаёл юргизиш ёки баҳслашиш беҳуда ишдир, балки туғендир. Бу тўғрида тортишиш Аллоҳ ва Унинг Расули билдирган миқдордан ортигини билиш учун изланиш ҳаромдир.

Шунинг каби сир-синаоти фақат Аллоҳгагина аён бўлган малакут дунёси, руҳлар олами, келажакдаги ҳодисалар каби ғайбий нарсалар ҳам инсонлар ақл-идрокидан ташқаридаги яширин ҳикматлардандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат этади: **“Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни Ёлғиз Ўзигина билур”**, (*Анъом*, 59); **“Осмонлар ва Ернинг сирлари Ёлғиз Аллоҳникидир”** (*Худ*, 123); **“Осмонлар ва Ердаги ғайб-сирларни (билиш) Аллоҳга хосдир”** (*Наҳл*, 77); **“(Аллоҳ) ғайбни бигувчидир. Бас, Ўз ғайбидан бирон кимсани огоҳ қилмас”** (*Жин*, 26).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бирон инсонни, ҳатто суюкли пайғамбари ҳазрати Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам бу илоҳий сирдан фоқиф этмаган.

Аммо инсоният Аллоҳ таолонинг ана шу огоҳлантиришларига қарамай, асрлар бўйи келажакни, тақдирни, ғайбни билиш, ҳар хил “башорат”лар қилиш каби беҳуда амаллар билан шу-

ғулланишга рағбат кўрсатиб келди. Шулардан бири сўнги йилларда газит-журноллар саҳифаларини, радио ва телеэфирларни тўлдириб “Мунажжимлар башорати” рукни остида берилаётган ёлғонлардир. Энг таажжубланарлиси шуки, туппа-тузук эсли-хушли, билимли зиёлилар ҳам ана шу “башорат”ларга, ундаги ваҳимали ёки таскин берувчи гапларга ишониб, ўзларининг ҳаёт тарзлари, тақдирлари Аллоҳга эмас, олис, жонсиз юлдузларга боғлиқ деб, алданиб юрибдилар.

Ислом шариатида илми нужумни ўрганиш тақиқланмаган ва қораланмаган. Уламолар уни иккига бўлишган. Биринчиси ҳисоб-китоб илми. Бинобарин, Қуръони карим Ой ва Қуёшнинг сайр қилиши ҳисоб-китобли эканидан хабар беради. Аждодларимиз қуруқлик ва денгизда йўл топиш, намоз, рўза, ҳаж каби ибодатлар вақтини аниқлаш, деҳқончилик ишларини ташкил этиш учун юлдузлар илмидан фойдаланишган. Ривоятларга кўра, юлдузлар илмини билиш пайғамбар Идрисга (алайҳиссалом) мўъжиза қилиб берилган экан.

Илми нужумнинг иккинчи қисми эса, улуг аллома Имом Фаззолийнинг фикрларига кўра, ҳукмлар илмидир. Бу илм билан шуғулланиш борлиқда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг сабабига боғлаб, далил чиқаришга олиб боради. Бу илм шариатимизда қораланган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар қадар зикр қилинса, тилингизни тийинг, юлдузлар зикр қилинса, тилингизни тийинг”, деганлар (*Ибн Масъуддан Табароний ривояти*). Ва яна айтганлар: “Мен умматимга ўзимдан кейин уч нарса келишидан қўрқаман: имом (раҳбар)лар зулми, юлдузларга ишониш ва қадарни ёлғонга чиқа-

риш” (Ибн Абдулбарр ривояти). Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху): “Куруқлик ва денгизда йўл топадиган микдорда юлдузлар илмини ўрганнинг, сўнг қолганидан ўзингизни тийинг”, деганлар.

Ҳазрати Умарнинг бундай қайтаришлари уч жиҳатга боғлиқ. Биринчиси шуки, бу ҳол халқнинг кўпчилигига зарар етказди. Чунки одамларга фалон юлдузлар ҳаракати орқасидан мана бу ҳодисалар пайдо бўлди, дейилса, уларнинг қалбларига ана шу юлдузлар ҳодисаларга таъсир ўтказувчи ва тасарруф қилувчи илоҳлар экан, деган тушунча ўрнашиб қолади. Илми, эътиқоди мустаҳкам одам қуёш, ой, юлдузлар Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунганини билади. Иккинчи жиҳати — юлдузларга қараб ҳукм чиқариш тахминийдир, у бирорта шахс ҳақида аниқ хабар беролмайди. Тахмин билан ҳукм чиқариш эса жоҳилликдир. Учинчиси эса, фойдаси бўлмаган жиҳат. Чунки юлдузлар илмининг ҳисоб-китобдан ва йўл топишдан ортиқчасини ўрганиш самарасиз нарсага шўнғиш ва инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлмиш вақтни фойдасиз нарсага зое кетказишидир ва бу нарса зарарларнинг энг даҳшатлисидир. Бу «илм»нинг ўзи шунчалик зарарли ва мазаммат қилингани ҳолда унинг сохта “башорат”ларига ишонишнинг нечоғли ёмон ва ҳалокатли эканини тушуниб олаверинг.

Шариатимиз қоралаган ва мусулмонлар четланишга буюрилган юлдузларга қараб фол очиш ва уни инсонлар тақдирига боғлашдаги “башоратлар” ғирт ёлғон ва уйдирма эканини ҳозирги замон етакчи олимлари ва мутахассислари ҳам исботлаб беришяпти. Русия об-ҳавони ўрганиш марказининг сайёралар ҳаракати ва гелиогеофизикавий текширувлар лабораторияси мудирини Николай Сидоренко бундай дейди: “Маълумки, қуёш кузда осмон экваторини кесиб ўтади ва бу нуқта куз тенгкунлиги деб аталади. Астролог (мунажжим)лар эса уни бурж белгисига кўра, «Тарози» деб аташган. Лекин гап шундаки, тенгкунлик белгиси, қуёшнинг туриши ва бурж белгилари бундан икки минг бир юз йил муқаддам астрология гуллаб-яшнаган Вавилон ва қадимги Юнонистонда амалга киритилган эди. Қуёшнинг бурж юлдузларига нисбатан ўрни алмашиб тургани учун бу йил қуёш Тарози юлдузлар туркумига “одатдагидан” бир ой кеч кирди. У асл ўрнига қайтиб бориши учун яна 25700 йил керак бўлади. Эски мунажжим (астролог)лар айнан мана шу “кечикиш”дан беҳабар бўлишган. Ҳозиргилари бунин билсалар-да, ҳамон эскича “ҳисоб-китоб” қилган мунажжимлар “башорати”дан фойдаланишади..»

Энди яна бир атоқли олим — русиялик назарий-физик, академик, Нобел мукофоти соҳиби Виталий Гинзбургнинг бу ҳақдаги фикри билан танишинг. У “АиФ” газити муҳбири билан суҳбатда шундай дейди: “Менга: “Нима учун астрология билан олишиб қолдинг, бунга енгилроқ қара, башоратларни чоп этишса нима бўпти, ахир булар шунчаки ҳазил-ку!” дейишади. Лекин инсон ана шу уйдирмага ишониб, унинг тахминлари билан яшаса, бутун ҳаётини барбод қилади-ку! Бошқаси унинг ана шу ожизлиги орқасидан жарақ-жарақ пул ишлайди. Шу ҳам ҳазил бўлдимиз? Эҳтиёж бор бўлгач, башоратлар босилаверади-да, деб менга тасалли бермай кўяқолинг! Бордию ўқувчилар фаҳш ишларни ёритишни хоҳлашса-чи? Одамлар ҳақида қайғуриш, уларни ёмонликка, ёвузликка бошламай, яхши ишларга чорлаш керак. Астрология ғирт бемаънилик, фанни шунчаки инкор этишнинг ўзгинасидир. У нимани таъкидлайди? Гўёки одамнинг туғилиш пайтида юлдузлар ва сайёралар унинг келажакдаги бутун тақдирини белгилар эмиш. Ўтмиш аждодларимизнинг астрология билан шуғулланганларини тушунса бўлди. Илгари одамлар сайёралар ҳаракатини билишмас эди. Тўрт юз йил муқаддам улуг фалакиётчи Иоҳанн Кеплер гороскоп тузиб, шундан пул ишлаган. Лекин шундан буён фан олдинга улкан қадамлар ташлаб ривожланди. Сайёра ва юлдузлар тақдирга ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаслиги аллақачон исботланган”.

Бу гапларга қўшимча қилишнинг зарурати бўлмаса керак.

Аллоҳ таоло Қуръони қаримда шундай марҳамат этган: **“Дарҳақиқат, Ёлғиз Аллоҳнинг ҳузурдагина (Қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) билим бордир. У (Ўзи хоҳлаган вақтида, Ўзи хоҳлаган жойга) ёмғир ёғдирур ва (оналарнинг) бачадонларидаги ҳомилаларини (ўғилмиқизми, расоми-нуқсонлими, бахтлими-бахтсизми эканини) билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Аллоҳгина Билгучи ва Огоҳдир”** (Луқмон, 34).

Мана шунга ишониш имондир, қадарга имон келтириш вожибдир, қадарга ишонч имон рукнларидан бир рукндир. Кишининг барча яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолодан эканига, ҳар бир инсоннинг тақдирини фақат Аллоҳнинг ўзи белгилашига имон келтириши унинг тўғри, ҳақ йўлда эканига далилдир.

Аҳмад МУҲАММАД



Алоуддин БАШАР

СЕВГИ НИМА?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Олтинчи мактуб

Жинсият мавзуида яна бир ояти қарима жуда ибратлидир: “Улар (аёлларингиз) сизлар учун бир либосдир, сиз ҳам улар учун бир либосдирсизлар” (Бақара, 187, мазмуни).

Либос, яъни, кийим... Эрак ва аёл бир-бирини ҳимоя қилувчи либос... Бир-бирини ёмон йўллардан асрайдиган тўсиқ... Бу қисқа дунё ҳаётида номус имтиҳонини топширишлари учун ҳар икки тараф бир-бирига неъматдир. Бошқаларнинг номусига кўз олайтирмаслик учун катта бир боғланиш... Никоҳ номус хусусида ҳар икки тарафнинг бир-бирига қилган аҳду паймонидир. Яъни, оилавий масалада аёлни эракка омонат қилган ва рўзгорни бошқариш юқини эракнинг зиммасига юклаган бир шартномадир. Ҳозир эса ёшларнинг онгига бу ҳақиқатларни “қолоқлик” деб сингдиришга ҳаракат қилаётган, манбаи ташқарида бўлган баъзи мафкура, жамият ва гуруҳлар бор. Уларнинг тузоғига тушмаслик, ногорасига ўйнамаслик учун гоят диққатли ва сергак бўлиш керак. Акс ҳолда, ҳаётнинг асл гоёси икки жинс ўртасидаги ношаръий муносабатлардан иборат деб тушунувчи ёшларнинг сони кўпайиб кетиши эҳтимоли бор. Бу эса уларнинг ухровий (охират) ҳаётларини увол қилиши билан бирга мамлакатимиз тараққиётига ҳам катта зарар етказиши мумкин.

Қара, Хулё! Агар бошқа бир махлуқ билан овуниш яратилиш жиҳатидан жоиз бўлганида, бу имкон фақат ҳайвонларга берилган бўларди. Чунки “қоинот китобини ўқишдан маҳрум бу ожиз ва бечоралар бир-бирлари билан овунсинлар, токи берилмаган неъматларнинг изтиробини тортмасинлар,” дейиш мумкин бўлар эди. Аммо бу ҳолат гуноҳ ҳисобланмаган тақдирда ҳам, инсоннинг табиатига асло ярашмайди.

Ахлоқсиз ёшларни кўрган пайтимида ҳаёлимга бир воқеа келади:

Қурбон ҳайити эди. Бир қариндошимни табриклаш учун кетаётган эдим. Кўчанинг икки четида икки гуруҳ болалар тўпланиб туришган экан. Қизиксиниб уларнинг бир гуруҳига яқинлашдим. Болалар қурбонлик учун сўйилган ҳайвоннинг қорнидан чиққан ўлик боласини томоша қилишмоқда эди. Иккинчи гуруҳ бошқа бир қурбонликни томоша қиларди.

Қариндошимни зиёрат қилдим ва байрам билан табриклар изимга қайтдим. Бир дўстимни ҳам зиёрат қилишим керак эди. Бекат томон юра бошладим. Автобус келмагач, таксига чиқдим. Таксида ҳар доимгидек яна “ўлдим-қуйдим” кўшиқлари янграмоқда. Бир вақт ҳалиги икки ўлик ҳайвон болалари ҳаёлимга келди. Уларнинг оналари қурбон қилинмаган, ўзлари эса вақти етиб, дунёга келган деб тасаввур қилдим. Ўсиб улгайдилар. Бири сигир, иккинчиси хўкиз бўлди. Яна ўзим билмаган ҳолда бир ҳис билан, улар бир-бирига ошиқ-маъшуқ бўлди ва таксида янграётган ахлоқсиз ашулаларни ўшалар айтяпти, деб ҳаёл қилдим... Ҳар иккиси ҳам асл вазифасини унутиб, бир-бирларига бўлар-бўлмас мадҳиялар айтиб, ахлоқсиз илтифотлар кўрсатиб, нафсларини қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Кўзимни чирт юмиб, ҳаёлимдан бу бемаъни ўйларни чиқариб ташлашга уриндим. Бундай пасткаш

ҳаётни, ахлоқсизликни чорасиз-гуноҳсиз ҳайвонларга ҳеч боғлай олмадим. Гарчи у ҳаёлдан қутулдим, аммо энди инсонийлик ҳис-туйғуларим билан ўз ҳамжинсларим бўлган баъзи кишиларнинг паришон аҳволларини кўриб ич-ичимдан ачиниб, эзилиб, руҳан азоб чека бошладим. “Бу инсонлар бунчалик паст кетмасликлари керак эди! — дедим ўзимга ўзим ичимда. — Аллоҳга қуллик вазифаларини, дунёга келиш ҳикматларини, ўлим ва охиратни бир четга суриб қўйиб, шаҳват балосига мубтало бўлган ахлоқсизлар даражасига тушмасликлари лозим эди... Эсиз...”

Сенга яна бир хотирамни айтиб берай.

Ўрта мактабда битирувчи синф ўқувчиси эдим. Бир куни муаллим хонага кириб, тахтадаги ахлоқсиз, уятсиз расм ва ёзувларга кўзи тушди. Ранги бир оз ўзгарди. Ҳеч нарсга демай латтани олди-да, тахтани арта бошлади. Юзидан аччиқланиб, жаҳли чиққани маълум эди. Балки шундай қилиб ҳовуридан тушмоқчи эди. Кейин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ва ниҳоят бизга қараб:

— Болалар, узоқни кўра оладиган бўлинглар, — деди. Биз ҳеч нарсани тушунмадик. Нима демоқчи эди? Бу сўзнинг расмга қандай алоқаси бор?! Ўртага жимлик чўкди. Кейин яна ўзи изоҳлади: — Ҳа, узоқни кўра оладиган бўлинглар. Фақатгина ҳозирги кунни, ҳозирги мавсумни ва йилни ўйламанглар. Ҳеч бўлмаса, ҳаёлан беш-ўн йил кейинги ҳаётга саёҳат қилинглар. Бугун шундай нарсалар ёзинг, чизинг, гапирингки, келажакда ўғил ёки қизингизга ор-номус дарси берганингизда юзингиз қизармасин...”

Синфда чурқ этган товуш йўқ эди. Расмни чизган боланинг юзи чўғ каби қизарган эди. Муаллим гапида давом этди:

— Бугун шундай яшангки, эртага умр йўлдошингизнинг юзига уялмай қарай олинг ва ўзингизга ўзингиз: “Бу ҳам мени назар-писанд қилмай, ечиб-алмаштириб кетса бўлаверадиган туфли деб ўйлапти-ку”, деманг.

Бу гаплар ҳаммамизнинг қулоғимизга кўрғошиндай қуйилиб қолди...

Муаллимнинг шу гаплари билан мен ҳам мактубимни яқунлайман. Ўлим ва ундан кейинги ҳаётни асло

эсингдан чиқармай, хайрли, яхши умр ўтказишингни тилайман. Кейинги хатимда бу мавзуни албатта давом эттираман, иншааллоҳ... Салом билан...”

Бирин-кетин юборган икки мактубимга Хулёдан шу жавобларни олдим:

«Хурматли устоз! Юборган мактубларингиз учун катта раҳмат. Энди ўзимни сизнинг қаршингизда аввалгидек тушкун, журъатсиз ҳис қилмаяпман. Чунки сиз бу мактубларни менга эмас, балки мактабдаги ўқитувчи дугоналаримга ҳам ёзаётирсиз. Тортган қийинчиликларингиз ҳам фақат мен учун эмас... Тавсияларингизга амал қилган ҳолда, доимо ўзимни етиштиришга, кўп билимли, маълумотли ва маданиятли бўлишга ғайрат қиляпман. Умуман олганда, аввалги чеккан изтиробларимдан асар ҳам қолмади. Аммо тўлиқ хузур-ҳаловатга эришдим ҳам дея олмайман.

Бу сафар бошқа бир хузурсизлик ичида қолдим. Руҳим бир қарорда эмас. Баъзан шавқ ва ҳаяжон билан тўлиб, бир нималар қилишга ҳаракат қиламан. Баъзан эса ичимни бир маъюслик қоплайди. «Сен ҳам одамсан-ку?! Шу ахлоқсизлик тўфонини тўхтатиш сенинг бўйинигдами? Ҳамда, шу ҳолинг билан-а?» дейман ўзимга ўзим. Кейин яна хушимга келиб: «Сен вазифангни бажар. Бир нималар қилишнинг хузурини кўр. Ҳеч бўлмаса, виждоннинг ҳотиржам бўлсин», дейман. Ишқилиб, охири яхшилик билан тугасин. Бу руҳий ҳолат ҳам узоқ давом этмайди. Бирор-бир дугонамга ҳақиқатларни тушунтирар эканман, ундан кутилган натижа ололмасам жуда хафа бўлиб, руҳий тушкунликка тушяпман. Қисқаси, бир тажриба даврини яшяпман. Сизга бу гапларни бир дардлашгим келгани учун, ичимни тўкиш учун ёзаяпман. Безовта қилган бўлсам, узр...”

Мактуб жуда узун эди. Ҳар хил мавзуларни, баҳсларни, суҳбатларни, баъзан ўзини хурсанд қилган воқеаларни жўшиб ҳикоя қилибди.

Мен ҳам унга кечиктирмай жавоб ёзишга киришдим:

Еттинчи мактуб

«Хулё, сенга бу хатимда «севги» ҳақида бир нималар ёзмоқчи-

ман. Фақат, олдин сенинг «ич изтиробларингга» қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Кейин яна асл мавзуга қайтаман.

Фам-ташвишлар, дард-аламлар роҳат-фароғатга олиб чиқадиган йўллардир. Агар данак дарахт бўлмоқчи бўлса, тупроққа аралашмоғи, ер тагида сиқилмоғи, чиримоғи зарурдир. Ўқувчи синфдан синфга ўтмоқчи бўлса, ўзини уй ёки кутубхонага қамашни керак... «Кулфатсиз неъмат йўқдир», сўзи бу ҳақиқатни англатади. Сен қандай бахтлисан! Қанчадан-қанча одамлар, дугоналаринг: “Менинг унақа қўйлагим йўқ, бунақа уйим ёки машинам йўқ”, деб дард чекаётган бир пайтда сен, бирон-бир инсонга баъзи ҳақиқатларни тушунтира олармиканман, уларга тўғри йўлни кўрсата олармиканман”, деб изтироб чекапсан. Бу ҳолингни энг буюк неъмат бил.

Ўтган мактубларимда ҳам ишорат қилганимдек, биз ҳар он ниҳоятсиз бир фаолиятда ҳаракат этаётган оламда яшяпмиз. Электрондан тортиб то сайёраларгача бўлган бутун олам бир он бўлса ҳам қарорини ўзгартиргани йўқ. Шундай экан, сен ҳам руҳ ва қалбингни тўлиқ бир хузур-ҳаловатга эришади деб ўйлама. Чунки сен бу олам билан боғлиқсан. Унинг ёзи сени иситар экан, қиши совуғи билан жонингни ачитади. Очиқ ҳавода ичингнинг ёришганини, булутли кунлар эса ичинг сиқилганини ҳис қиласан. Инсоният оламидаги ҳар хил курашлар яна бошқача бир беқарорлик намунасидир. Қалбингда баъзан умид, баъзан саросима пайдо бўлишини бу оламдаги фаолиятларнинг кичик бир мисоли деб тушунгин. Шоир шундай ифода этади: “Бекорга кезибман, йўқ эмиш табиатда ичимдаги қадар чиқиш ва тушиш...” Зотан, “қалб”нинг луғавий маъноси «ўзгариш» демак. Унинг исмида бу ҳақиқат яширинган. Жумладан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида қалбдаги ўзгаришга шундай ишорат қиладилар: “Қалб қирга ташланган бир қуш қаноти кабидир. Шамол у қанотни у ёққа-бу ёққа қандай учирса, қалб ҳам шундай ўзгаради». Қалбингни шундай таниб ва оламни шу шаклда идрок эта олсанг, роҳат ва хузур-ҳаловат йўлини топган бўласан.

Яъни, бу дунё хузур-ҳаловат

ери эмас, балки имтиҳон ери эканини, Ҳақ таолонинг саодат ва азоб манзили бошқа диёрда эканини биласан. Дунёдаги бутун завқу шавқлари ва барча гўзалликлари жаннатдан, бутун ғам-ташвиш, алам, изтироблар эса жаҳаннамдан хабар берувчи бир ишорат эканини яхшилаб тушуниб етасан. Абадий оламга номзод эканингни ва бу фоний дунё меҳмонхонасида ўша боқий диёр учун керакли бўлган нарсаларни тайёрлаш лозимлигини унутмайсан. Агар шундай ўйласанг, бу ахлоқсиз жамиятда янглиш тарбия қаршисида чеккан изтиробларинг ҳам ўша боқий диёр учун бир сармоя ҳолига келади. Сенинг шу онда чекаётган изтиробларингни уч-тўрт баравар кўпрогини анча йил олдин бир воқеа сабабли мен ҳам тортганман.

Уруш йиллари эди. Иш жойимдаги бир йигит айнан бундай деган эди: «Аскарликка чақирсалар, бормайман. Агар кетсам...Урушга бориб бекордан-бекорга ўлиб кетаверадиган анойи эмасман. Биз урушга кетайлиг-у, бу ерда казо-казо акахонларнинг ўғиллари майхонаю чойхоналарда қўнғилхушлик қилиб юрсинлар. Бекорчи аҳмоқлари йўқ...»

Унинг гапини бир дўстимга айтган эдим, у шундай деди: “Бундай фикр бир кишининг қаноати эмас. Бу гап ватан ва миллатига нисбатан ичида озми-кўпми хиёнат фикри бўлган кишиларнинг оғзидаги сақичдир. Сен булардан фақат биттасига дуч келибсан...”

Бу жавоб мени яна хафа қилди. Демакки, ахлоқсизлик бир гуноҳ ва исён эмас, балки мамлакатнинг истиқболини ҳам таҳликага туширадиган, ёшлардаги ватан севгиси, мардлик, жасорат туйғулари ўрнига шаҳватпарастликни устун қўядиган қўрқинчли (даҳшатли) бир оғу экан.

Орадан йиллар ўтди. Сенинг хатларинг мендаги бу эски изтиробли хотираларни яна бир бор қаламга олишга мажбур қилди. Бу хусусда сенга миннатдорлик билдираман».

(Хатнинг давоми келгуси сонда)

Даврон ҚОБИЛ
таржимаси



НАЖОТНИ ҚУРЪОНДАН ТОПДИМ

Ҳошимжон қори ҳикояси

Хотинимнинг кўзи ёришадиган кун яқин қолган эди. Аёллар маслаҳатхонасига борса, дўхтирлар ҳомиланинг ривожланиш муддати ўтиб кетгани, энди бола катталашиб, туғиш ниҳоятда қийин бўлишини айтиб, қўрқитишибди. Уларнинг тавсиясига кўра аёлимни туғруқхонага зудлик билан ётқиздим. Даволовчи дўхтир қўлимга бир неча қимматбаҳо укол ва доридармонларнинг рўйхатини тутқазди. Агар уларни топиб, тезда муолажа бошланмаса, она-боланинг ҳаётига катта хавф борлигини, туғиш ниҳоятда оғир кечиб, ҳатто ўлимга олиб бориши мумкинлигини яхшилаб тушунтирди. Аёлим ва боламнинг ҳаётини ўйласам, шошилинч дорихонага чопишим керак эмиш.

Шифокорлар ҳузуридан бўшашиб чиқарканман, бошим қотди. Сабаби, дори-дармонга

пул йўқ. Анчадан буён бетоблигим сабабли ишлай олмайман. Рўзгорни учма-уч аранг ўтказиб турган эдим. Бунча пулни топиш амримаҳол. Ҳозирги пайтда кимдан ҳам қарз сўрайсан, ҳамманинг ҳоли ўзига тайин.

Шу хаёллар билан уйга қандоқ келганимни билмай қолдим. Ёлғиз қолган кенжамизни овқатлантириб, ухлатиб қўйдим. Кейин ҳар кунги машғулоти — Қуръони каримни хатм қилишга киришдим. Боядан бери миямни банд қилиб, кўнглимни ғаш қилиб турган хаёллар нари кетди. Буюк Парвардигорнинг мўъжиз каломи ичра ғарқ бўлдим. Ҳафтасига бир марта Қуръони мажидни хатм қиламан. Мусҳафни очиб, келган жойимдан тадаббур билан тиловатни бошладим. Ўн учинчи жузга келган эдим. Раъд сурасини ўқишга киришар эканман, бирдан миямда

ялт этиб нимадир чақнагандек бўлди. Суранинг 8 — 9-оятларига келганимда ҳайратдан “Субҳаналлоҳ!” дея ҳайқириб юбордим. Беихтиёр кўзларимдан ёш отилиб чиқди. Оятлар мазмуни куйидагича эди: **“Фақат Аллоҳгина ҳар бир аёлнинг кўтариб юрган ҳомиласини (ўғилми-қизми, расоми-норасоми, чиройлими-хунук эканини) ҳам, бачадонлар (муддатидан илгари) ташлайдиган болани ҳам, (тўққиз ойдан) ортиқроқ туриб қоладиган болани ҳам билур. У зот даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир. У ғайбу шаҳодатни (яъни махфий ва ошкора барча нарсани) билгувчи буюк ва юксак зотдир”**.

Суранинг шу жойига келганимдаги ҳолатимни тасвирлашга тил ожиз, қалам ноқис. Ўзим Қуръонни неча бор ўқиб, ҳамма нарса Аллоҳнинг ҳикмат-иродаси билан содир бўлишига имон келтирсам-у, ожиз бир банданинг гапидан ваҳимага тушиб, қайғуриб, изтироб чекиб ўтирсам?! Имоним бу қадар сустлашиб кетганига истиффор айтдим. Жойнамозни ёйиб, икки ракат намоз ўқидим. Дуога қўл очиб, Аллоҳдан аёлимнинг кўзи ёришини осон қилишини, икки жонни Ўз паноҳида асрашини сўраб ёлбордим, илтижо қилдим. Дуода Раъд сурасининг бояги оятларини бир неча марта қайтариб, Аллоҳдан нажот, омонлик сўрадим. Ёлғиз Ўзига таваккул қилиб, хотиржам уйқуга кетдим.

...Эртасига нонуштадан кейин хотинимдан хабар олгани борган синглим ҳовлимизга суюнчи сўраб, хурсанд кириб келди: “Акажон, ўғилли бўлибсиз, паҳлавон ўғил туғилибди. Она-боланинг аҳволи яхши!”

“Алҳамдулиллаҳ” деб Аллоҳга ҳамд-шукрона айтдим. Зотан, бундан бошқа сўзга ҳожат ҳам йўқ эди...

ҚҲЙ САВДОСИ ЧҲЗИЛДИ

(Муҳаммадҷон ҳожи ҳикояси)

Қурбонлик учун қўй харид қилгани ҳайвон бозорига бордим. Бир оз айланиб, семизгина шохдор қора қўчқорни танладим. Уни бир қария ўғли билан ушлаб туришган экан. Харидорлардан бир нечаси талабгор бўлиб, қўйни юз мингга ча баҳолашди. Аммо эгаси қўнмади. Ҳамма тарқалиб бўлгач, аста ота-болага яқинлашдим. Ўзимча «устига минг сўм қўйиб сўраб қўрай-чи», деб ўйладим. Чунки бир-икки минг ошиқроққа олсам ҳам ютқазмаслигим аниқ эди.

Аммо ота-бола билан савдолашаётим, негадир оғзимдан «Юз ўн минг сўмга қўйни сотдингизми?» деган сўз чиқиб кетиб қолди. Ҳисобдан адашиб кетдимми ё миям чалғидими, билмайман, юз бир минг сўрайман деб юз ўн минг деб юборибман. Қария ўғлига бир қараб олдию, «юз ўнга сотдим», деб қўлимни ушлади. Айтилган сўз отилган ўқ. Бир оз қимматсираб ичим ғашланган бўлса ҳам, пулни санаб уларга узатдим. Ота-бола қўйнинг арқонини қўлимга тут-қазиди. Хайрлашаётим, бояги қария, «Қаерда турасиз, агар қийналсангиз ўғлим қўйни етаклашиб борсин», деб қолди. «Йўқ, уйим бозорга яқин, Сумалак гузарида тураман, ўзим бир амалларман», дедим.

Йўлма-йўл одамлар қизиқсиниб, қўйни қанчага олганимни сўрашади. Қиммат тушгани учун «бир юз ўн мингга» дейман-у, нафасим ичимга тушиб кетади. Аммо қурбонлик учун харид қилганим сабабли нохуш ўйларни миямдан қуваман. Олган нархимга қўнаман ўзимча. «Эгаси рози бўлса, бас, мен розиман», деб ғўлдирайман.

Ярим соатларда уйга етиб келдим. Қўйни оғилхонага киришиб боғлаб қўйдим. Ўзим кийимларимни алмаштириб, истироҳат учун чўзилдим. Кўзим илинган экан, эшик қўнғироғи жиринглади. Чиқсам, боя қўй сотган ота-бола туришибди. «Ҳа, тинчликми?», — дея ҳайрон бўлиб сўрадим: — «Ё берган пулимдан кам чиқдимми?». Қария бош чайқади ва: «Йўқ, кўп чиқиб қолди», деди жилмайиб. Кейин ташрифи сабабини тушунтира кетди:

— Ярим соатдан буён уйингизни ахтариб, аранг топдик. Яхшиямки, Сумалак гузарида туришингизни ва ҳажга борганингизни билиб олган эканмиз. Йўқса, кечгача қидирармидик. Гап бундоқ, биродар, биз ота-бола қўйни бир юз беш мингга сотмоқчи эдик. Чунки шунга яраша юк қилади, мўлжалимиз шунақа эди. Лекин сиз адашиб ёки бошқа сабабданми, юз ўн минг бераман, деб айтдингиз. Ҳайрон бўлиб, қўйни сотдик. Аммо уйга кела-келгунча ногўғри йўл

тутганимизга, савдоимиз шариатга хилоф бўлганига ақлимиз етиб қолди. Барибир сизга зулм бўлганини қалбимиз сезиб турибди. Ҳар икки томон розилик билдирмас экан, савдо ҳалол ҳисобланмади. Айниқса, Аллоҳ йўлига қурбонлик қилар экансиз... Шуларни ўйлаб, изимизга қайтдик. Жон биродар, манави беш минг пулни олиб, бизни хижолатликдан қутқаринг.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Пулни олай десам, юз ўн мингга савдолашиб, барака қилганмиз. Байъ бузилади. Олмай десам, ота-бола қатъий сўрашапти, улар ҳам Аллоҳдан қўрқадиган, тақводор кишилар экан. Хулласи, эшик олдида хийла тортишиб туриб қолдик. Ниҳоят, бир қарорга келдик: улар беш мингни менга ҳадя сифатида берадиган бўлишди. Мен ҳам шундай тақволи инсонлар билан танишганим шукронасига уйдан тўн олиб чиқиб, қаршилигига қарамай, ота-болага кийдирдим. Уларни кузатиб ортидан қараб қоларканман, мана шундай ҳалол ва покиза инсонлар туфайлигина кишилар ўртасида инсоф, адолат, оқибат каби туйғулар яшаб келаётганига ишондим.

Аббос АҲМАД,
Наманган



Ҳидоят Аллоҳдандир. Ҳар кимнинг имон топишида ҳар хил сабаблар туртки бўлади. Алҳамдулиллаҳ, худосизлар жамияти барҳам топгач, Ислом куёши яна порлоқ нур соча бошлади. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикоялар қалблари имон билан мунаввар русиялик мусулмон ёшларнинг фикр-мулоҳазаларидир.

ҲАЁТНИНГ ҲАҚИҚАТИ

АННА, 26 ёшда: «Мен бу ҳаётнинг ҳақиқатини топдим».

Ислом динини қабул қилишимга турмуш ўртоғим сабабчи бўлган. Биз учраша бошлаган илк кезларимизда унинг оиласида Ислом аҳкомларига тўла бўлмаса-да, амал қилинарди, хоссатан, никоҳ масаласига эътибор қаттиқ эди. Эримнинг ота-онаси бўлажак келинлари муслима бўлишини хоҳлашарди. Кейинроқ биз мусулмон киши баъзи бир ҳолатларда насроний аёлга уйланиши мумкинлиги ҳақида ҳам эшитдик.

Қайниопамнинг ташаббуси билан бутун оила Ислом аҳкомларини бажара бошлашди. Менга ҳам мадрасада таълим олишимни таклиф этишди ва мен бу таклифни рад қилмадим. Билим олиш, янгича ўқиш, янгича яшаш, қариндошларим ва атрофдагилар билан алоқани мустақамлаш давомида Ислом динини қабул қилдим ва турмушга чиқдим. Аллоҳ гувоҳ, мен ҳеч қачон бу йўлни танлаганимга пушаймон бўлмаганман. Албатта, бир оз қийинчиликлар ҳам бўлган. Ўзга муҳитда тарбия топганим учун ҳаётдан бошқача маъно излардим. Аввалги ҳаётим алдовдан, ишончсизликдан, маънавиятсизликдан, хўжакўрсинга яшашдан иборат эди. Мен ҳам ўша давр ёшлари сингари мутлақо мустақил ҳаёт кечирардим. Лекин барибир ич-ичимдан тўғри ҳаёт тарзини яшамаётганимни ва ҳаётим маъносиз кечаётганини сезардим.

Гарчи мен мусулмон бўли-

шимни умуман тасаввур ҳам қилмаган бўлсам-да, ҳозирги ҳаётим аввалгисидан тамоман фарқ қилади.

Мен Исломни бирдан англаб етдим деб айта олмайман. Вақт ўтган сари ҳаётим, дунёқарашим ўзгариб борар эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мен бу ҳаёт синовларидан ўтиб олдим. Бирданига эмас албатта, бу



йўлда бир неча босқичларни босиб ўтдим.

Ҳозир ҳижобдаман, беш вақт намоз ўқийман, рўза тутаман, имконим борича Қуръонни ўрганипман. Исломни тарғиб қилиш ҳаёт тарзимга айланган. Мен бунга кимнингдир қистови ёки атрофимдагиларнинг таъсири билан эришмадим. Баъзида нега энди бу нарсаларни аввалроқ тушуниб етмадим, деган ҳаёллар келади ва Аллоҳнинг ҳикматини ўйлаб, кўнглим таскин топади. У даврлар мен учун осон бўлмаган, ҳаёт синовлари ҳали ҳам давом этмоқда. Лекин мен бу ҳаётнинг ҳақиқатини топдим.

ОЛГА, 30 ёшда: «Биз оилада ягона мақсад ва қонун асосида яшаймиз»

Бутун оламларни яратган Зотга қандай илтижо этишни ўрганганим учун ҳам менга Ислом ёққан! Албатта, биз мусулмонлар Аллоҳнинг ягоналигига иқроримиз.. Насоролар каби ботил тушунчалар билан бошни қотирмаймиз.

Қуръони карим инсон ҳаётининг ягона дастуридир. Шу боис мусулмон оилалардаги муносабат ёқади.

Мен насроний оилада вояга етганим учун, мусулмон оиладаги муҳитни қадрлайман. Улар ўртасидаги фарқни англаб етаман. Ҳозирги ҳаётимда турмуш ўртоғим мени ҳурмат қилади, мени севади, бу фақат сўзда эмас, албатта. Мен оилани ўзим боқа олишимни ва унга бу бо-

рада тенг кела олишимни исботлашим шарт эмас. Эрим ўзининг оила олдидаги вазифаларини жуда ҳам яхши билади. Масалан, оилани моддий таъминлаш, оила аъзоларини ҳимоя қила олиш, болаларини тарбиялаш, оила аъзоларига меҳр кўрсатиш кабилар. Мен эса тўлақонли она ва яхши умр йўлдоши бўлишга интиланман.

Яна айтишим мумкин бўлган бирдан-бир нарса шуки, биз оилада ягона мақсад ва қонун асосида яшаймиз. Бу эса, биз учун ва бизнинг болаларимиз учун жуда муҳим.

АЙНА, 20 ёшда: “Бизнинг ҳаётимизда Исломдан бошқа ҳамма нарса аҳамиятсиздир”.

Бу гапларимда ҳеч қандай муболага йўқ. Эсимни танибманки, ҳар доим ҳудожўй инсон бўлганман. Турли динлар билан танишиб чиққанман, ҳеч бирига ўз фикрим билан ёндошмаганман. Исломга эса болалигимдан, Қабардин-Болқорда кечган чоғларимдан бери қизиқаман.

Мен ҳеч қачон мусулмонлардан кўрқмаганман. Ислом ўз мусаффолигини сақлаб қолган (яъни, бирор-бир халқнинг маданияти кўшилиб кетмаган) энг мукамал ва жозибадор дин эканини илк бор онам тунтириб берганлар. Онам олий маълумотли, мулоҳазали аёл бўлишига қарамасдан, ўзини даҳрий ҳисоблайди. Исломни қабул қилишда қатъий бир қарорга келишим учун менга Ўрта Осиё ва кавказлик дўстларим катта ёрдам беришди.

Улар орқали мен бу ҳаётда Исломдан ҳам аҳамиятлик нарса йўқ эканини англадим. Ҳозирда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келма-япман ва келмаганман ҳам. Ота-онам эътиқодимга қарши эмаслар. Дўстларим ва касбдошларим ҳам бунга оддий қарашади.

ИМАН, 21 ёшда: “Ислом мен учун барча чиркинликлардан тозаланиш воситасидир”.

Болалигимдан қандайдир бир вужуд биз билан ҳар доим бирга эканини ҳис қилардим. Менга гўё у бизнинг ютуқларимиздан хурсанд, мағлубиятларимиз эса уни хафа қиладигандек туюларди. Эсимни танибманки, ҳар доим ибодатларим орқали ундан паноҳ сўраб, унга шукр қилиб келганман.

Шунинг учун бўлса керак, Исломни қабул қилишим унчалик қийин бўлмади. Мен Аллоҳга ишонч билан туғилганман. Ислом менга бутун чиркинликлардан покланиш учун энг яхши воситадир. Бу ишонч менга ростгўйликни, келажакда шармандаликка сабаб бўладиган ҳар қандай нопок ишлардан четда бўлишни ўргатди. Ота-онамнинг мендан кўнгиллари тўқ. Менинг ҳеч кимга хусуматим йўқ, чунки бунга ҳаққим ҳам йўқлигини биланман. Аллоҳ энг яхши Вакилдир.

Менимча, фақат мусулмон аёлгина энг яхши аёл, қиз, она ёки опа бўла олади. Ислом ҳар қандай чиркинликлардан ҳоли бўлган энг покиза диндир.

Юлдуз КОМИЛ
таржимаси

Оқибат

“Ақб” ўзагидан олинган. “Бир ишнинг охири, натижаси; кишининг ўзидан кейин қолдирган фарзандлари; яхши ёки ёмон натижа, жазо ёки мукофот” маъноларини ифодалайди. Қуръони каримнинг ўттиз икки оятида келади. Айнан шу ўзақдан ясалган “уқба” сўзи ҳам “мукофот”, “бир ишнинг охири” маъносини ифодалайди. “Уқбад-дор” сўзи эса “жаннат” маъносида қўлланилган (*Раъд, 24*).

“Оқибат” Қуръонда ўтган шахсларнинг ва миллатларнинг қисматидан ибрат олиш маъносида келади. Аллоҳнинг оятларини ёлгонга чиқарувчилар (*Ол-и Имрон, 137; Анъом, 11*), гуноҳкорлар (*Аъроф, 84; Намл, 69*), фасод чиқарувчилар (*Аъроф, 86, 103*), золимлар (*Юнус, 39; Қасос, 40*), огоҳлантирилса ҳам қулоқ солмаганлар (*Юнус, 73; Вас-сафот, 73*) дунё ҳаётидаёқ дучор бўладиган ёмон оқибатлар ҳақида айтилади. Ибрат олиш учун улардан фақат хабардор бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бу каби фалокатларнинг моддий натижаларини кўриш учун ер юзиде саёҳатлар қилиш ва улар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш лозимлиги ўқтирилади. Бундай шайтоний хатти-ҳаракатларда бўлганлар бошига ёмон оқибатлар келишини ва бу ўзгармас бир илоҳий қонун экани айтилади (*Ол-и Имрон, 137-141; Фотир, 43-44*).

Ёмон оқибат эгаларига қарама-қарши яна Қуръонда ер юзига фазилатли (солиҳ) қулларнинг ҳоким бўлишлари ваъда қилиниб, бу ваъдада бир хушхабар (балог) борлигига эътибор қаратилади (*Анбиё, 105-106*), ёмонликлардан сақланганлар энг гўзал оқибатларга эришишлари эслатилади (*Аъроф, 128; Худ, 49; Қасос, 83*). Қуръони карим ўтган миллатларнинг ҳаётлардаги энг муҳим ибратли воқеалардан мисоллар бериб, фақат диний ва ахлоқий жиҳатдан тўғри ва соғлом асослар устига қурилсагина жамият гўзал бўлишини таъкидлайди.

“Оқибат” сўзи Қуръони каримдаги каби маънолар билан ҳадиси шарифларда ҳам келган.

Маҳмуд МАҲКАМ
тайёрлади

МАВЛОНО АЛИ ҚУШЧИ

Милодий 1470 йили туркманларнинг оққуюнлилар сулоласидан бўлган подшоҳ Узун Ҳасан Самарқанддан Мавлоно Али Қушчининг келаётганини эшитиб, шод бўлди, фахрга тўлди. Шухрати етти иқлимни тутган улуғ алломанинг ҳурмати учун давлатнинг эътиборли аъёнлари, вазиру саркардалари билан бир кунлик йўлга чиқди. Али Қушчи ва унинг яқинларини беқийёс ҳурмат ва тантана билан кутиб олишди. Унга энг катта лавозимларни таклиф этди. Мавлоно Али Қушчи Узун Ҳасан давлатида икки йилча яшади. Оққуюнлилар билан турклар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, икки томон орасида дўстлик битими тузилишида қатъият кўрсатиб, зўр сиёсатдон, моҳир элчи эканини кўрсатди...

Туркиянинг ўша пайтлардаги султони Муҳаммад Фотиҳ Али Қушчининг теран фикр, ўткир ақл-заковот соҳиби эканини кўриб, уни саройига хизматга таклиф этади. Олим бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, 1472 йили Истанбулга келади. Султон унга 200 динор маош белгилайди (ўша пайтда бир учқур от беш динор турарди).

Номи оламга машҳур, неча-неча ҳукмдорларнинг иззат-икромига мушарраф бўлган Али Қушчи асли ким эди?

Али Қушчининг тўлиқ исми шарифи Мирзо Алоуддин Али ибн Мирзо Муҳаммад ибн Мирзо Умаршайх ибн Амир Темур Қўрагоний. Ўзи теурийлардан, Қушчи кунyasi билан машҳур. Бу насиба унга отаси Мирзо Муҳаммаддан ўтган бўлиб, бу заковатли инсон Шоҳруҳ Мирзо саройида эътиборли аъёнлардан бўлган, Шоҳруҳнинг шикор (ов) ишларига бошчилик қилгани, ов қушлари билан шуғуллангани учун шундай лақаб олган.


Алломаи жаҳон Али Қушчи 1404 йили салтанат пойтахти Самарқандда таваллуд топди ва шу ерда улғайди. Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек ва Фиё-

сиддин Жамшид каби улуғ сиймолардан сабоқ ва тарбия олди. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида ривож топган фалакшунослик, риёзиёт фанларини пухта эгаллаб, замонанинг етук олими бўлиб етишди. У ўз даврининг энг шухратли муаррихи, илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам ном чиқарган улуғ аллома эди.

Али Қушчи исломий илмларнинг ҳам билидони бўлган. Ўзининг ҳайратомуз ақл-идроки, кучли ҳофизаси, етук заковати, тўғрисиқлиги билан ном қозонди. Шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекнинг эътибори, ҳурмат-ишончи меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Унинг энг яқин сирдоши, маслакдоши, суйанган кишисига айланди. У Улуғбек тимсолида ҳукмдорни эмас, аҳли илмларинг ҳомийи ва етакчисини, мураббий алломани кўрарди. Шунинг учун Улуғбекни бошқалар каби “султоним” “амир-ул-муслимин” деб атамай, унга “мавлоно”, “шайхур-раис” дея мурожаат қиларди.

Мавлоно Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг машҳур “Зижи жадиди Қўрагоний” жадвалини тузишга беназир ҳиссасини қўшди. Фалакиёт илми назарий асосларини ёритган ва 1019 та юлдузнинг ҳолати, уларнинг осмон кенгликларида жойлашуви ва йиллик ҳаракатини кўрсатиб берган бу машҳур асар ҳозиргача ҳам илмий қийматини заррача йўқотмаган. Ойнинг илк харитасини ҳам Али Қушчи чизган. Ҳозирда бу харита Амриқодаги Ой тадқиқотлари институтида, бугунги кунгача чиқарилган хариталарнинг энг тепасига осиб қўйилган.

Шайхур-раис Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан (1449) сўнг Самарқанд расадхонасида илмий-кузатув ишлари барҳам топди. Асбобукуналар йўқ қилинди. Олимлар таъқиб остига олинди. Бу машмашалардан Али Қушчи ҳам четда қолмади. Аммо у жаҳолат ва маърифат ўртасидаги зиддиятларга томошабин бўлиб ўтиравермади. Устозининг якунланмай қолган илмий изланишларини



Али Қушчи тузган дунё харитаси

Тригонометрик функциялар қийматларининг
Али Қушчи тузган жадвали

Ўй даражалари	Унинг синуси қийматлари	Шу қийматлар ҳозирги жадвалда
53	0,79836	0,79864
54	0,80902	0,80902
55	0,81915	0,81915
56	0,82904	0,82904
57	0,83864	0,83864

давом эттирди. Улуғбек барпо этган мадрасанинг чекка бир бурчагида тадқиқот олиб борди, шогирдлар тарбиялади, асарлар ёзди. Шу замида у Самарқандда яна йигирма йил фаолият олиб борди. Аммо 1469 йилга келиб, илм-фан маркази бўлиш салоҳиятини тўла йўқотган мамлакатда ўзаро урушлар, тартибсизлик-нотинчликлар кучайиб кетди. Али Қушчининг бундан тинкаси қуриди. Ҳаж қилиш мақсадида ватанини тарк этди. Яқинлари ва қариндошларидан икки юз киши ҳамроҳлигида Ҳирот орқали Табризга қараб йўл олди. Бироқ Ҳиротда сафар мушкулотларига дуч келиб қолди. Шунда Мавлоно Абдурахмон Жомийдан ёрдам сўради. Жомий ҳазратлари Али Қушчига ёрдам кўрсатиш ўтинчи билан султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири аъзами Алишер Навоийга бир мактуб битиб берди. Шундан сўнг Али Қушчи, эсон-омон Табризга етиб олди ва, юқорида ёзилганидек, подшоҳ Узун Ҳасан саройида икки йил қолиб кетди.

Али Қушчи жаҳон фани ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган ўнлаб асарлар ёзди. Унинг “Рисолаи фи халли ашқолул-қамар” (Ой фазалари ҳақида рисола) асарида Унгача ҳеч бир олим еча олмаган ойга боғлиқ илмий кашфиётлар очилган. Алломанинг “Рисолаи дар илми ҳайъат” (Фалакиёт илми ҳақида рисола) асари эса Самарқандда ёзилган. Уч қисмдан иборат бу асарда осмонлар адади ва кайфияти, Куёш буржлари, осмон жисмларининг тузилиши ва ҳаракати, Аторуд, Зухро, Миррих, Муштарий, Зуҳал ва бошқа сайёралар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Унга Али Қушчи чизган дунё харитаси ҳам илова қилинган.

Олим “Рисолаи Фатҳия” асарини араб тилида ёзган. Унда Туркия султони Муҳаммад Фотиҳнинг 1472 йили оққуюнлилар билан муҳорабаси ва нусрати илмий-бадий талқин этилади. Тарихий воқеалар баёнига бағишланган бу асарга машҳур олим Қозизода Румийнинг набираси Мирам Чалабий шарҳ ёзган. Али Қушчининг яна бир китоби — “Рисолаи Муҳаммадийа” (Муҳаммад Фотиҳ рисоласи) ҳинд математикаси ва

фалакиёт илмига бағишланган. Уни Али Қушчи Самарқанддалигидаёқ ёза бошлаган ва ўзи араб тилига ўгирган. Туркияга борганида унинг бир нусхасини султон Муҳаммад Фотиҳга тақдим этган. Ҳозир бу асарнинг қўлёзма нусхаси Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланаяпти.

Алоуддин Али Қушчининг “Тарихи хоқони Чин” (Хитой хоқонларининг тарихи) асари ҳам катта илмий-маърифий аҳамиятга эга. Унда ўн бешинчи асрда теурийлар салтанатининг Ҳиндистон, Хитой, Арабистон ўлкалари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлари қаламга олинган. Шунингдек, Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг элчиси сифатида 1419-1422 йиллари Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзонинг Фиёсиддин Наққош бошчилигида Хитойга юборган элчилар гуруҳида бўлгани боис саёҳат давомида кўрган-кечирганлари, босиб ўтилган мамлакатлар, уларнинг тарихи, жуғрофияси, халқларнинг турмуш ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотлари ҳам мазкур китобга киритган.

Булардан ташқари алломанинг илм турларига доир “Рисолату фи мавзуот ул-улум”, риёзатга оид “Маҳбуб ул-ҳамойил фи кашф ул-масойил” (Масалаларни ечадиган севимли ён дафтар) каби илмий асарлари, замонасининг забардаст олимлари китобларига ёзган шарҳлари ҳам бор.

Али Қушчи авлодларидан кўпгина эътиборли илм-фан пешволари, атоқли олимлар етишиб чиққан. Унинг набираси Мирзо Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий (Кўйкий) Тошкандий (1490-1584) замонасининг йирик давлат арбоби, машҳур тадқиқотчи-сайёҳатчиси, етук алломаси эди. Унинг отаси Мирзо Муҳаммад Камолдин эса пешқадам уламолардан бўлиб, Паркентда яшаб, кўп йиллар мадрасада мударрислик қилгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Али Қушчи умрининг охиригача Аё-София жомеъ масжиди қошидаги мадрасада бош мударрис бўлди.

Мавлоно Алоуддин Али Қушчи 1477 йили етмиш бир ёшида Истанбулда дунёдан кўз юмди. Уни Туркиянинг давлат арконлари, олимнинг шогирдлари, минглаб оддий кишилар дорулбақога кузатиб қолишди. У мусулмонларнинг табаррук зиёратгоҳи — Абу Аййуб Ансорий қабрис тонига дафн этилди. Туркистон замида туғилган машҳур олимнинг номи ва аждодларга қолдирган катта илмий мероси биз учун беҳад қадрлидир.

Ҳабибуллоҳ ЗАЙНИДДИН

ПУЛЛАРГА ТУТҚУН «ҚУЛЛАР»

Ўрис адиби Лев Толстой, “Пул қулликнинг янги бир кўриниши”, деган экан. Дарҳақиқат, мол-дунёнинг қуллари сони бугун ўтмишдаги қулдорлик даври вакилларида кўп бўлса кўпдирки, асло кам эмас. Фақат улар орасида бир фарқ бор: бугунги қуллар мазкур мутелик сиртмоғига ўз ихтиёрлари билан тушишмоқда. Бандилик занжирини бўйинларига тақиш билан ҳузур-ҳаловат топишяпти. “Эркинлик фақат пулда”, деб бутун инон-ихтиёрларини унга сотиб юборишяпти. Қўлларида эса пулдан ясалган кишан. У оғритмайди, у баданни қабартирмайди, лекин қалбларга шундай яра тоштирадики, унинг давосини қилиш қийин кечади. Аллоҳ асрасин.

Пул одамни ҳар йўлга йўрғалатиши, инсонни етти ухлаб тушига кирмаган жирканч жиноятларга ҳам бошлаши мумкин. Олмонларда бу ҳақда “Пул бераман десанг, шайтон ҳам рақсга тушади”, деган мақол бор. Софокл ҳам: “Пул инсоният гарданидаги энг катта тавкилаънатдир”, деганида ўзича ҳақ эди.

Шу кунгача инсоният қилган жиноятларнинг аксариятига мол-дунё васвасаси сабаб бўлган. Уларга йўл кўрсатган, қўлларидан етаклаб, жирканч кўчаларгача олиб кирган ҳам мана шу пул бўлади.

Инсоният XXI асрга кўплаб хасталиклар билан кирди. Улар орасида илгари кўрилмаган жиноятлар бор. Инсонийликка хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар мавжуд.

Инсон шаънига доғ бўлиб турган мана шундай жирканч ишлардан бири ноқонуний инсон савдоси, одамларни қул қилиб сотиш муаммосидир.

Дунёда ҳар йили тўрт милён киши ноқонуний инсон савдосидан азият чекмоқда.

Бундан жинорий уюшмалар етти миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўради. Оврупада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОХХТ) маълумотларига кўра, МДХ, Марказий ва Шарқий Оврупа мамлакатларидан Ғарбий Оврупа ва АҚШга 1997 йил 750000 вояга етмаган аёл “экспорт” қилинган. Халқаро кўчиш ташкилоти ахборотида кўра эса, 1998 йилгача ярим милёнга

яқин хотин-қиз меҳнат ва жинсий зўравонлик мақсадлари учун Ғарбий Оврупага ноқонуний келтирилган. Бугунгача 200 милён одам замонавий қулликнинг турли шакллари қурбонига айланди.

Италиялик эксперт Гианпиэро Кофано ўз мамлакатадаги мазкур муаммони таҳлил қилиб, шундай дейди:

“Мен бир сиёсатчидан, нега мамлакатдаги ноқонуний инсон савдоларига қарши дастур билан чиқмайсиз, деб сўрадим. У эса, “Ҳозир Италияда ўн милёнга яқин эркак хорижлик фоҳишалар хизматидан фойдаланади. Мен сайловларда ўн милён овозни ўзимга қарши қўйишни ис-тамайман”, деб жавоб берди”.

Бу ҳол бугунги дунёнинг аҳволи. Хорижнинг романтик жозибасига учган хотин-қизлар ҳам фирибгарлар кўлига тайёр луқма бўлиб туш-

моқда. У фирибгарлар вазиятдан унумли фойдаланиб, одамларни авраб-алдаб, қул қилиб сотиб юбормоқдалар. Минг афсуски, ўзимизнинг ватандошларимиз, миллатдошларимиз шу ишларни қилишмоқда. Асл мақсадларидан беҳабар ёш қиз-жувонлар уларнинг қурбонига айланишмоқда. Уларнинг жирканч иш-

лари қанча-қанча оиларларни хонавайрон қилмоқда. Уларни молу жон аччиғидан ҳам кучли бўлган ор-номусларга қолдирмоқда.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида юртимизнинг тегишли идоралари кенг тушунтириш ишлари олиб боряпти, албатта. Мазкур тадбирлар натижасида хорижга одам юбориш билан шуғулланувчи кўплаб жиноятчилар қўлга олинди. Хорижда сарсон бўлган фирибгарлик қурбонлари юртимизга қайтарилди. Лекин муаммо тўла бартараф бўлгани йўқ. Бундай фирибгарлик ишлари яна такрорланиши мумкин. Аввало, номаълум жойга бегона шахслар орқали боришнинг ҳар қандай шакллари шундай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Осон ва даромадли иш таклиф қилувчиларнинг аксарияти, одатда, шундай фирибгарлар бўлиб чиқади.



Тўғри, ҳамма ҳам хорижда ишлашни хоҳлайди. Чунки у ерда яхшигина пул топиш мумкин. Фақат, қонунни бузиш йўли билан эмасда. Чет элларда сарсон бўлган инсонларнинг деярли ҳаммаси ноқонуний йўллар билан четга чиқишга уринган кимсалардир. Шу боис ҳам инсон ўз жонини хавфхатарга қўймасдан, бежавотирроқ иш топгани маъқул. Агар у чиндан чет элда ишлашни хоҳласа, бунинг қонуний йўллари ҳам бор.


Давлатимиз айрим чет мамлакатлар билан ёлланма ишчи юбориш тўғрисидаги шартномалар тузган. Шунга кўра, Ўзбекистон фуқаролари турли мутахассисликлар бўйича чет элда ишлаш имкониятига эга. Бунда уларнинг ҳақ-хуқуқлари давлат ҳимоясига олинади ҳамда ишлашлари учун шартномада кўрсатилган барча шароит ва имтиёзлар яратиб берилади.

Чет элда ишлашни хоҳловчилар, аввало, ўз ҳудудларидаги меҳнат бўлимларига мурожаат этиб, бу ҳақда маълумот олишлари мумкин. Агар бўш иш ўринлари мавжуд бўлса ҳамда ишчи малакаси иш берувчининг талабларига тўғри келса, чет элга чиқиш йўл-йўриқлари ҳақида дастлабки маълумотлар берилади. Шундан сўнг тегишли ҳужжатлар тайёрланиши мумкин.

Беҳзод
АБДУСАМАД

Шер билан сичқон

Бир куни шер инига келганида кичкина бир нарсани еяётган сичқонга кўзи тушди. Шерни кўрган заҳоти сичқон кўрқувдан титраб кетди ва, шернинг уйига кирганим учун, энди мени еб қўяди, деб ваҳимага тушди. Лекин шер уни кечирди ва қўйиб юборди. Бундан хурсанд бўлган сич-



ТОРТИШУВНИНГ ОҚИБАТИ

қон шерга раҳмат айтиб, шошганича ташқарига отилди.

Орадан бир неча кун ўтгач сичқон шерни овчининг тўрига тушиб қолганини кўрди ва унга:

— Эй ҳайбатли шер, менга тўрни кемиришим учун рухсат бер, токи сени ундан халос қилайин, — деди.

Шер:

— Раҳмат сенга, эй сичқон, лекин мен тўрни ўз қувватим билан кесаман, — деди. Сичқон шернинг тўрдан халос бўлишини кутган ҳолда, унинг ёнида қолди. Шер қанча ўзини тўрдан халос қилишга уринмасин, тўрни узишга ожизлик қилди. Шунда сичқон шернинг олдига иккинчи бор келиб:

— Агар сенга қувватинг наф бермаса, сенга меҳрибонлигинг ва кечиримлигинг наф беради, — деди ва тишлари билан тўрни кемириб ташлади.

Шер сичқоннинг бу ишига, яхшиликка яхшилик билан жавоб қилгани учун раҳмат айтди ва:

— Гоҳида катта қодир бўлмаган ишни кичик бемалол уддалайди, — деди.

Тортишувнинг оқибати

Ҳикоя қилишларича, икки мушук бир бўлак пишлоқ топиб олишибди. Уни тақсимламоқчи бўл-

ганларида, келишолмай, тортишиб қолишибди. Сўнг иккаласи пишлоқни ораларида тақсим қилиб бериш учун маймуннинг олдига боришга қарор қилишибди.

Маймун пишлоқни бир бўлаги катта ва бир бўлаги кичик қилиб иккага бўлибди ва ҳар иккала бўлакни тарозининг икки палласига қўйибди. Каттароқ қисми тарозида оғир келибди. Маймун оғир келган пишлоқ бўлагидан ебди. Энди иккинчи бўлак катта қолибди. Бўлақларни яна тарозининг палласига қўйган экан, олдин кичик бўлган томон оғир келибди. Маймун эса оғир келган пишлоқ бўлагини ейишда давом этибди, то қолган икки бўлакни ҳам еб қўяй дебди. Шунда мушуклар:

— Биз бу тақсимга розимиз, энди бизга ўзимизга тегишли бўлган бўлагимизни бергин, — дейишибди.

Уларга маймун:

— Тарози палласига қўйиб ҳакамлик қилганим учун булар менин таққимдир, — деб қолганини ҳам оғзига ташлаб юборибди. Икки мушук бир-бирига ажабланган ҳолда назар ташлабди. Ва тортишганларига надомат қилиб, пишлоқни еёлмай, ҳасратда қолишибди.

Бушро АСҚАР қизи
таржималари



Саид ОРИФ

Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт

Илтижо

Мен ожиз ҳар лаҳза васлингга муштоқ,
Дилимга Сен олис эмассан бироқ,
Юрагим тубида азалий титроқ —
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Жамолинг ҳар онда кўргим келади,
Жон нисор, тоатда тургим келади.
Нурунгни кўзимга сургим келади,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Амрингга мунтазир етти қат осмон,
Ишқимни айтурман ошқору пинҳон.
Васлингга етай деб ўртанар бу жон,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Даргоҳингга келдим, ё Раб, тавба қилиб,
Кўзларда ёш, юрак йиғлар тўлиб-тўлиб.
Дийдорингни кучай мен ҳам бахтим кулиб,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт...

Пирим бўлсин ўшал азиз Хожа Аҳмад,
Ишқ йўлида мен ҳам, майли, чекай заҳмат.
Самолардан ёмғир бўлиб ёғсин раҳмат,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Эгри йўлга бошламасин шайтон ғаддор,
Тун-кечалар тоат қилай дейман бедор.
Паноҳингда асра Ўзинг, кўрай дийдор,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Йўлим тўсар гуноҳларнинг қўпу ози,
Раҳм қилган Ўзинг Фафур, Ўзинг қози.
Ҳақ йўлингдан адаштира, бўлгин рози,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт.

Дилда борин Саид Ориф қилди баён,
Гуноҳлари, савоби ҳам Сенга аён.
Раҳматингни дариг тутма Ўзинг, Раҳмон,
Жамолингни кўрмоқ бахтин насиб эт...



* * *

Ёшлик оқар сувдир, ўтар, ҳеч кутмас,
Аҳли дониш ёшлар ишини тутмас.
Бир кексанинг дилин оғритса биров
Унинг ёшига ё етар, ё етмас...

* * *

Одамларга баланддан солмагин назар,
«Эски тўн» экан деб қилмагин ҳазар.
Бир жулдур кийимли содда суҳбатдош
Пурҳикмат сўз билан қалбингни безар.

* * *

Гоҳида кўп маҳзун боқасиз, тоғлар,
Сизни ҳам ўртарми дилдаги доғлар?
Онам каби кучиб, юпатгим келар
Дардингиз айтолмай хўрсинган чоғлар...

Кўлингни тутмас

Дилда дарди йўққа айтма дардингни,
Қалби мудроқ кимса ҳолингни билмас.
Нокаслар олдида тўкма қадрингни,
Улар нолишингга парво ҳам қилмас.

Номард одам агар бўлса ҳамроҳинг,
Манзил узоқлашар, ортар гуноҳинг,
Тавбасиз етмайди Аллоҳга оҳинг,
Ўзини билмаган Аллоҳни билмас.

Кўзларингни юмгин, тийгин тилингни,
Ногоҳ забт этмасин шайтон дилингни.
Асра совуқ елдан имон гулингни,
Аро йўлда қолсанг, толеинг кулмас.

Бировдан ўтганин биларми биров,
Юрагинг зирқирар, сочингда қиров,
Саид Ориф, имон ишқингга гаров,
Аллоҳдан ўзга бир чин Дўст топилмас...

Сайфуллоҳ ҲАКИМИЙ

* * *

Ота-она кетдилар, қолди армон, йиғладим.
Риҳлати мерос экан, ночор-нолон йиғладим.
Энди ғамхўр бағрига бошимни қўймоқ қайдадир,
Кўзга суртиб изларин, юзда маржон, йиғладим.
Вақт ўтиб борган сари дийдорларига ташна дил,
Соғиниб суҳбатларин ҳолим паришон, йиғладим.
Ҳаққа, Сайфуллоҳ Ҳакимий, беадад шукроналар,
Айламиш бандам дея бир аҳли имон, йиғладим.
Ҳар нафас, ҳар дам учун ҳамду сано қалбимдадир.
Асра фарзанд доғидан, ё Раббу Раҳмон, йиғладим.

Наима КУБРО

Ўзингга талпинурман...

Юксалади Ислом дарахти,
Мева берар илм, шариад.
Бу боғ ичра озор йўқ сира,
Майсалари ҳалим тариқат.

Раббимга роз

Мени ҳоли қўйингиз,
Раббимга розим айтай.
Тавба эшиги очиқ,
Гуноҳ йўлидан қайтай.

Раббимга исён қилдим
Бир эмас, неча-неча.

Тавбамни қабул айла,
Бандам дегин, Биру Бор.
Сўнг нафас ҳам қалбимни
Тарк этмасин истиғфор.

Ҳар гулининг лабида зикр,
Нурларини тўсмас ҳеч абр*.
Тирнаб ўтса бандини тикан,
Кўзёшлари чиройли сабр.

Гуноҳ захридан мажруҳ,
Урар бўлса юрагим,
Узоқ юрсам имондан,
Кимга ҳам бор керагим?

Умидворман Ўзингдан,
Ўзингга топинурман.
Дариф тутма раҳматинг,
Ўзингга талпинурман...

Бунда унмас ҳасад сомони,
Қувғиндадир ҳавою ҳавас.
Золим нафсининг синар камони,
Истиғфори шайтонга қафас.

Мени ҳоли қўйингиз,
Кўзёшларим сизилар.
Гуноҳларимни эслаб,
Юрак-бағрим эзилар.

Мўмин қалби

Мўмин қалби чароғон боғдир,
Ҳар новдада тақво жилваси.
Яшил ихлос барги остида
Етилади имон гунчаси.

Бу қалб боғин обод қилган ким?
Нақадар улуғ У, нақадар гўзал.
Мен бу боғни жон қадар севдим,
Боғбонига битгумдир ғазал.

Ошиқ қалбли оламга
Узрим айтай бу кеча.

* Абр — булут

Муҳаммад СИДДИҚ

Инсон қалби шаффофроқ

* * *

Юраги тўлиб,
йиғлагиси келиб турган бола
ниҳоят ерга ётиб
йиғлай бошлади. Қизиқ,
энг яқин қариндоши
ер эканини унга
ким уқтирди экан?

* * *

Дунёни денгиз дейишганига
қабристонга боргач,
яна ҳам иқрор бўлдим.

Чунки у ерда
сузишдан чарчаган одамлар
қирғоққа чиқиб олиб,
қайиғини тўнкариб, остига
кириб олганга ўхшарди.

* * *

Чўққилари оппоқ қор,
этаги қирмизи тоғни
қалби дарду ҳасратга тўла,
юзида табассум балқиган
одамга ўхшатгим келади.



* * *

Кўз ҳарчанд рост
гапиришга ундамасин,
соҳиби тап тортмай ёлғонни
бошлаб юборди.
Энди кўзнинг ҳар ёнга
жавдирашдан бошқа
чораси йўқ. Начора,
унга забон берилмаган-да...

* * *

Ҳар нарса ўз қонунияти
билан яратилган.
Масалан, ернинг тортишиш
кучини олайлик:
осмонга тош отсанг,
қайтиб ерга тушади.
Жамиятда ҳам шунга ўхшаш
куч мавжуд, бировга маломат
тошини отсанг,
бир куни айланиб келиб,
ўз бошннга тушади.

* * *

Инсон қалбини ойнага
қийслашади. Мен уни
ойнадан ҳам шаффофроқ
дегим келади. Чунки ойнани
сўз билан синдириб бўлмайди.
Қалбни эса, бир ноҳўя сўз ҳам
чилпарчин қилиши мумкин.

* * *

Инсон дунёга келган чоғида
ўнг қулоғига азон,
чап қулоғига такбир айтилади.
Ана шу азон ва такбирнинг
намози жони узилган куни
ўқиларкан. Бу ҳолат
инсоннинг умри такбир билан
намоз оралиғича қисқа эканига
ишоратмикин...

* * *

Ҳар гал виждоним
ўтган умримни сарҳисоб этиб,
сўроқ қила бошласа,
хаёлот олис келажак сари
мени олиб қочиб,
кутқариб қолади. Мен уларнинг
бирини оқил душман,
иккинчисини эса,
нодон дўст дегим келади.



Имом ШАЪРОНИЙ

ШАРАФЛАР МОЛЛАРДАН ЮКСАҚДИР

Шаръий зарурат бўлмаса...

Ҳазрати Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қиладилар: “Кимки омон юришни истаса, жим туришга ҳаракат қилсин” (*Муновий*, “*Файзул қодир*”, VI, 151, 8756-ҳадис).

Устоз Қушайрий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: “Сўфийлар гапиришда офат — зарар борлигини билгач, сукутни маъқул кўришган. Гапиришда нафсининг улуши, мақтанчоқлик сифатларини намоён қилиш, чиройли гапириб бошқалардан ўзини ажратиб кўрсатишга майл каби таҳликалар борлиги учун ҳам улар шундай йўл тутишган.

Шайх Абу бакр ибн Аййош (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар: “Тупроқ сувни тортиб қуритгани каби, кўп гапириш ҳам савобларни қуритади”.

Фузайл ибн Йез айтадилар: “Сўзини амалидан деб билганинг гапи оздир. Ҳикматга фақат сукут ва тафаккур билан ворис бўладилар. Сўзлашдан тақво этиш луқма ва таомдаги тақводан ортиқдир”.

Улуғ сўфийлар мурид бекорчи гапларни гапирса, илоҳий нурлар қалбини тарк этиб, қалби қорайиши борасида бир хил фикр билдиришган. Қачон тариқатнинг асосий устунларидан бири йиқилса, бошқалари ҳам унга “эргашади”. Устунларнинг энг катталари тўртта экани таъкидланган: очлик, уйқусизлик, узлат ва сукут. Қолганлари шу

тўртта нарсага тобедир.

Ҳақлар ва шарафлар

Банданинг ҳақлари уч шаръан қисмдан иборат:

1. Кишиларга алоқадор қисм.


2. Молларга алоқадор қисм.

3. Шарафларга алоқадор қисм.

Кишилар билан боғлиқ

қисмнинг бутун бошли ҳукмлари бор. Булар — қасдан одам ўлдириш, билмасдан одам ўлдириш, қасос, дият ва каффоратнинг вожиблиги каби фикҳ китобларида баён қилинган бошқа хусуслар.

Моллар билан боғлиқ қисмига келсак, (*ноҳақ тортиб олинган молни. — тарж.*) мазлумнинг ворисига қайтариш керак. Қайтариш мумкин бўлмаса, ҳақ эгаси номидан садақа этиб юборишдан бошқа чора қолмайди. Банда ҳақларини қайтаришдан ожиз қолса, Маҳшаргоҳда қарздорларга берилажак яхшиликлардан кўпроқ қилсин, йўқса, қиёмат куни мазлумнинг хатоларини ва гуноҳларини елкасига олишга тайёрлансин. Ҳадисда айтилганидек: яхшиликлари борларнинг яхшиликларидан олиниб мазлумга берилади.



Савоблари бўлмаса, устига мазлумнинг гуноҳларидан ортилади ва (у кимсанинг) жаҳаннамга (кейтишига доир) бир ёзув ёзилади” (*Бухорий*, “*Мазолим*”, 10; *Термизий*, “*Қиёмат*”, 2; *Аҳмад*, 11, 303, 334, 372).

Шарафларга келсак, бу борада баъзи муҳаққиқ имомлар энг нозик ўринларни батафсил тушунтириб беришган.

Агар кишини ғийбат ёки бўҳтон қилган бўлса, улар мазлумга етган ёки етмаган бўлади. Агар ғийбат етган бўлса, розилик олиши лозим. Етмаган бўлса, етиб бориши янги бир озор-азиятки, бу нарса кин-адоват пайдо бўлиб, меҳру муҳаббат йўқолишига сабабчидир. Бунинг ҳаққи янада оғирдир.

Бу ҳақсизликни баргараф қилишнинг йўли, ғийбат ва бўҳтон мазлумга етиб бормас-

дан ва ғийбати қилинган ким-садан рози-ризалик сўрамай, истиғфorni кўпайтиришдир. Агар киши қабих ишни қилиб, бошқани йўлдан чиқарган бўлса ва кейин уни такрорласа, бу ҳам қулнинг оғир ҳақларидандир. Чунки унга азият етказди, зўравонлик қилди ва уни гуноҳга тортди. “Ким ёмон бир иш қилса, у ишнинг гуноҳи ва бу иш ила амал қилганларнинг гуноҳи ўша ёмонликни биринчи бўлиб қилган кишига ёзилади” (*Ибн Можа, “Муқаддима”, 14; Доримий, “Муқаддима”, 44, Муслим, “Илм”, 15; Насий, “Закоат”, 46; Аҳмад, IV, 326*). Айна пайтда бу чиркин хатти-ҳаракат унинг шарафини йўқотади, оиласига азият етказди ва уларни беорликка йўллайди.

Шарафлар моллардан юксакдир

Уламолар айтадики, биров кимнингдир молини олса, мол эгаси вафотидан сўнг пушаймон бўлиб, марҳумнинг ворисларига ва бутун ер юзи аҳолисига ўша молни келтириб рози-ризалик учун ҳаракат қилса, улар рози бўлишса ҳам, ўша кишининг шарафига етган хафаргарчилигини кетказолмайди. Зеро, бир мўминнинг шарафи молдан аҳамиятлироқдир.

Шайх Абул Мавоҳибиш Шозалий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Муриднинг камолотига тўсиқ бўлган нарсалардан бири мусулмонни ғийбат қилишдир. Ким ғийбат қилиш балосига йўлиққан бўлса, Фотиҳа, Ихлос ва Муовизатайн (Фалақ, Нос) сураларини ўқисин, савобини ғийбат қилган биродарининг амал дафтарига ёзилишини Аллоҳдан сўрасин. Буни менга тушимда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўргатдилар”.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади.

Зухриддин эшон ШАҲРИХОНИЙ

Камолот йўли

Маълумки, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат инсонни камолотга етказувчи мақомлардир. Шариат ҳукмлари Аллоҳдан фарз, Пайғамбардан (алайҳиссалом) суннат қилиб берилган. Шариат ёнғоқнинг пўсти бўлса, тариқат мағзи, ҳақиқат эса мағиз ичидаги ёғдир. Дарҳақиқат, ёғ мағизсиз ва пўстлоқсиз ҳосил бўлмайди. Шариат ҳукмларига амал қилиб икки дунё саодатига эришса бўлади, аммо тўла маънодаги маънавий етукликка эришиш учун, Аллоҳ маърифатини ҳартомонлама ҳосил қилиш учун, янада баркамол бир даражага етиш учун баъзилар тариқат йўлига кирадилар.

Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат бир-бири билан боғланган. Шариат Исломининг беш арконига риоя этишдир. Бу ҳукмлар аниқ, равшан, ҳамма унга амал қилиши шарт. Тариқатни эса қидиришга тўғри келади, бу иш саъй-ҳаракат билан, риёзат чекиш билан ҳосил бўлади. Тариқатда баён бор, бу йўлда хизмат қилиш керак. Ҳақиқатда Ҳақ кудратини кўрасиз, у сизга аён бўлади. Бунга улуг ғиммат билан эриша олиш мумкин. Шариат қонун бўлса, тариқат йўлдир. Қонун вужудни тарбиялайди, йўл қалбни поклаб, руҳни нурлантиради.

Камолотга етишишнинг шундай йўллари билан бирини ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд пиримиз топганлар. “Нақшбандия тариқати” деб аталади бу йўл. У зотнинг машҳур “Дил ба ёру даст ба кор”, (яъни, “Дил Эшда, қўл ишда”), “Хилват дар анжуман”, (яъни, “Одамлар орасида бўлсанг ҳам, кўнглинг Аллоҳ билан бўлсин”) деган шиорлари бу йўл қандай йўл эканини кўрсатади. Бу йўл инсонни ҳаракатга чорлайди, тирикчиликни бирон-бир касб орқали ҳалол ўтказишга ундайди. Бунда Аллоҳни доим ёд этиб туриш лозим. Яъни, овоз чиқармасдан, қалбингизга назар солиб, ичда Аллоҳни зикр қилиб юриш керак. Баҳоуддин Нақшбанд пиримиз бу йўлни бир таълимот даражасига кўтаришга, сўфийликни турмушга, инсон ҳаётига яқинлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Байт:

**Ҳикмат билан етдилар бу йўлга мардлар,
Ҳикмат билан топилур унинг нишони.**

Яна байт:

**Биз сеники, кел бу ён, эй дўст,
Бегона бўлма, бўлма урён, эй дўст.**



“Мовароуннахр” нашриёти чоп этган “Жавомъул калим” асарининг биринчи китоби кўлимда. Мен хизмат юзасидан “Сиҳоҳи ситта” китобларида жам қилинган ҳадис матнларини ва уларга ёзилган араб тилидаги шарҳларни, халқ орасида машҳур Табризийнинг “Мишкотул Масобиҳ”, Имом Нававийнинг “Риёзус-солиҳин”, Имом Насаий ва Абу Довуднинг “Сунан”ларини ва буюк олимларнинг ҳадисга оид “Муснад”ларини мутолаа қилиб, кўп баҳра олганман. “Жавомъул калим” (Ибратли сўзлар тўплами) китобидан эса янада бошқача хузур-ҳаловатни топдим. Назаримда, бунинг сабаблари куйидагичадир.

ГЎЗАЛ ИБРАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Биринчидан, китоб муаллифи Ризоуддин ибн Фахриддин минглаб ҳадислар орасидан шу кунги ҳаётимизга бевосита дахлдор ва ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга молик, ижтимоий-этиқодий масалаларни ҳал этишда китобхоннинг маънавий дунёсини Исломотаълимотига мувофиқ камол топтиришда яқиндан кўмаклаша оладиган, энг ибратли ҳадислар тўпламини тақдим этган.

Иккинчидан эса, ҳадислар шундай шарҳ қилинганки, уларнинг моҳиятини ҳар бир китобхон ҳеч қи-

йинчиликсиз англай олади. Шарҳларнинг тили равон, тушунарли ва ўта жозибадир. Бунда, албатта, китобни тотор тилидан ўзбек тилига ўгирган му-

таржим ва муҳаррирларнинг хизматлари сезилади.

Ушбу нашрда баъзи жузий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, китобдаги арабий матнларда баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган. Кейинги нашрларида уларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

Куйида эътиборингизга мазкур китобдан парча ҳавола этмоқдамиз.

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

ТЎҒРИЛИК ВА ЁЛҒОН

انَّ الصِّدْقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ
وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَصْدُقُ حَتَّى يَكُونَ صَدِيقًا وَإِنَّ الْكُذْبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ
وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَكْذِبُ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا.

Таржимаси:

“Тўғрилик эзгуликка, эзгулик эса жаннатга олиб боради. Одам боласи сўз ва амалда тўғриликни биринчи даражада тутиши сабабли Аллоҳ қошида сиддиқлар (тўғрилар) жумласига киради. Ёлғон ёмонликка, ёмонлик эса дўзахга олиб келади. Одам боласи ёлғон гапира-гапира Аллоҳ қошида каззоблардан бўлиб қолади”.

Шарҳи:

Инсонларда яхши ва ёмон хулқлар жуда кўп бўлса ҳам, ахлоқ олимлари уларнинг ҳаммасини икки хилга — тўғрилик ва ёлғончиликка тақсимлашган. Қанча яхшилик (фазилат) бўлса, шуларнинг ҳар бири тўғрилик (сиддиқлик) остига ва қанча бузуқлик (разолат) бўлса, ҳаммаси ёлғончилик (каззоблик) остига киради.

*Имом Бухорий. “Саҳиҳ”, VII жузъ, 95-бет;
Имом Термизий. “Жомъ”, II жузъ, 19-бет.

Тўғриликни фикрда, сўзда, муомалада, ваъдада тўғри бўлиш каби турларга айириш мумкин.

1. Фикрда тўғри бўлиш.

Фикрда тўғри бўлиш ўзини ўзи алдамасликдан ҳамда йўқ нарсалар билан ҳақиқатни ўзидан пардаламасликдан иборатдир. Инсон бир нарсани фикрлайди ва шу нарсага эътиқод қиладида, кейин тамаъ ва бахиллик ёки ғазаб ва адоват сабабли ўзининг шу эътиқодига шубҳалана бошлайди. Ҳақиқатни ўзидан яширишга чоралар излайди ва топади ҳам. Агар бахиллик ва тамаъни, ғазаб ва адоватни бир четга ташласа, у вақтда аввалги эътиқоди очиқ суратда майдонга чиқади ҳамда шу эътиқоднинг дурустлигига ва ҳақиқат эканига унда ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Баъзи кишилар бир нарсанинг (фикр, иш, эътиқод) бузуқлик эканини билишади ва шунга кўнгиллари мойиллиги сабабли ўзларига уни тузук кўрсатишга тиришишади ва йўл излашади. Бу ишлари тўғрилик эмас, балки ёлғон ҳамда ўзини ўзи алдашдир.

2. Сўзда тўғри бўлиш.

3. Муомалада тўғри бўлиш.

Муомалада тўғри бўлиш бутун ҳаёт ва маишатнинг тиргагидир.



Яхши мол сотиш, қарзларни вақтида бериш, омонатни сақлаш, бировнинг ҳаққини емаслик ва олиб қолмаслик муомалада тўғри бўлишга киради.

4. Ваъдада тўғри бўлиш.

Ваъда ҳам муомала ҳукми остига кирса-да, бу кунги мусулмонлар ортиқ даражада бепарво бўлганлари сабабли бу ҳақда икки оғиз алоҳида сўз юритиш зарур.

Ваъдада туриш, ваъдага хилоф қилиш, ваъдасизлик маънолари бизда лозим даражада ўлчанмайди. Бизда ваъдабозлик кенг тарқалган ва ваъдага вафо қилмаслик оддий ҳол бўлиб қолган. Биз бир кишининг чақирғига ваъда қиламиз-у, бормаймиз ёки белгиланган соатда бора олмаймиз. У киши ўз ишларини ташлаб, кутиб туради ва хавотирланади. Биз унинг ишдан қолганини ва хавотир олганини бир чақага ҳам олмаймиз. “Ваъда — қарз” эканини, ваъдага хилофлик эса, мунофиқлик эканини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳатто кўпимиз бажариш ниятида эмас, балки шунчаки суҳбатдошнинг сўзини қайтаришдан уялиб ваъда бериб юбораваримиз. Бу ҳол ваъдада турмаслик эмас, балки ваъдабозлик нияти билан бўлганидан икки қарра қабоҳатдир.

Кўлдан келмайдиган, вафо қилиб бўлмайдиган нарса ҳақида ҳеч вақт ваъда бермаслик ва, бу иш менинг қўлимдан келмайди, деб очиқ айтиш зарур.

Тўғрилиқнинг гўзал фазилят ва ёлғончиликнинг улкан разолат экани ҳақида Исломи динидаги насиҳатлар каби насиҳат ҳеч бир динда бўлмаса керак. Бу насиҳатлар Куръон ва ҳадисларда ва бошқа китобларда кўриб ўқилади. Минбар ва меҳробларда сўзланади. Мактабларда ўқитилади, шундай бўлса ҳам, самараси оз. Бу нарсани ҳар ким ўз тажрибаларию муомалаларини текшириб кўрса, билади, далил ё мисол келтиришнинг ҳожати йўқ.

Халқ нима учун тўғрилиқни одат этмайди, ёлғондан ва ваъдага вафо қилмасликдан сақланмайди?

Сабаби маълум: ёшлиқ вақтида яхши тарбия олмаганидан, рост сўзлашга ва ёлғондан сақланишга одатланмаганидандир. Бу одат ёшлигида

ота-она тарафидан ҳосил қилиниши зарур. Ёш вақтида тўғрилиқка ўрганмаган киши учун китобларда ёзилган, минбарлардан айtilган ва мўътабар кишилар сўзлаган сўзларнинг самараси оз бўлади.

Кема ва поезд машинистлари бир дақиқа ҳам бепарволик қилмай, машиналарига қараб боришга қай даражада мажбур бўлишса, ота-оналар ҳам ёш болаларига шу даражада қараб туришлари, тўғрилиқка ўргатиб, ёлғондан сақланишга малака ҳосил қилдиришлари лозим. Болаларга яхши тарбия шу равишда берилади.

Тўғрилиқка малака ҳосил қилган болаларнинг бошқа бузуқликлардан сақланишига умид боғлаш мумкин, чунки дунёдаги бузуқликларнинг ҳеч бири тўғрилиқ билан бир ерда жам бўлмайди.

Ривоятларга кўра, бир одам Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Мен ёлғон сўзлайман, ўғрилиқ қиламан, ароқ ичаман, бошқа гуноҳларим ҳам бор, шу гуноҳларнинг ҳар биридан тийилиш қўлимдан келади, сиз шулардан бирини тайинлаб берсангиз, ундан тавба қилсам”, деган эди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга қарата: “Ёлғондан тавба қил!” дедилар. Ҳалиги киши ёлғон гапирмасликка ваъда берди. Бир оздан сўнг бошқа гуноҳ қилишига тўғри келди. Шунда у киши: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрасалар, тўғрисини айтсам, шарият ҳукми билан мени жазолайдилар, ёлғон сўзласам, берган ваъдамни бузган бўламан”, деб бу гуноҳдан қайтди. Шундай қилиб, бошқа гуноҳлардан ҳам тавба қилишга мажбур бўлди.

Тўғрилиқка малака ҳосил қилдириш қасди билан болаларга буйруқ бериш, уришиш ва сўкиш фойдали эмас, балки зарарлидир. Болага тарбия беришнинг йўли ота-она ўзлари болалар олдида рост сўзлашлари, ёлғон гапирмасликлари, болаларга ўрнатилган бўлишлари ва фарзандларининг муҳаббатларини қозонишга эришишлари орқали бўлади. Ўзлари қилмайдиган иш ҳақида болаларига, “ундай қиламиз, бундай қиламиз” дейишлари ёки юпатиш учун ваъда беришлари бола тарбияси учун жуда зарарлидир.

Одам болаларини эзгуликка ва жаннатга олиб борадиган тўғрилиқ ана шундай бўлиб, сиддиқлар худди шундай кишилар орасидан етишиб чиқади.



ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН



Ҳазрати Қосим Шайх Азизон... Тарихий ман-баларда ва эл оғзида ул зот яна “Низомиддин Қосим шайх”, “Ҳазрати Эшон”, “Валоят шиор”, “Қутб ул-авлиё”, “Суғд ул-авлиё” каби номлар билан ҳам тилга олинади.

Қосим Шайх Азизон тахминан XVI аср бош-ларида Карманда таваллуд топди. У сўфийлик-нинг яссавия тариқатини танлади ва фурсати етиб, муршиди комилига айланди. Аҳмад Яссавийдан бошланган тариқатни — маънавий силсилани Ҳаким ота, Занги ота, Сайид ота, Садр ота, Эламон ота, Шайх Али, Мавлуд Шайх, Ходим Шайх, Шайх Жамолиддин, Шайх Худойдод, Хўжа Муллои Нурийдан кейин Қосим Шайх ўн учинчи бўлиб давом эттирди.

Қосим Шайхнинг йирик мутасаввиф бўлиб етишувида Шайх Худойдоднинг таъсири катта бўлди. Шайх Худойдод ўз ватани бўлмиш Самарқанд яқинидаги Фазира қишлоғидан Бухорога келар ва нақшбандия тариқатидаги жўйбор шайхлари билан орифона суҳбатлар қураар эди. У йўлда Карманага тўхтар, шаҳар ақобирлари билан учрашар, мусулмонларга ваъз-насиҳатлар қилар эди. Ёшлигидан бу давраларга қатнашган Қосимнинг қалбида Яратганга муҳаббат кучайди, тариқатга мойиллик, ихлос уйғонди. Шайх Худойдод билан яқиндан танишиб, унинг зикрларида иштирок этгач, тасаввуфнинг ботинидаги моҳиятни англади, файзидан баҳраманд бўлди.

Шайх Худойдод вафотидан сўнг (1532) у тариқат шайхи бўлиб тан олинди. Атрофига дарвешлар тўпланди. Ҳатто шайбоний султонларнинг ҳам унга ихлос-эътимоди кучли эди. Шулардан бири, XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда улуг ҳукмдор бўлиб етишган Абдуллахон иккинчининг қисматида Қосим Шайхнинг таъсири беқиёс бўлди. Ўз навбатида Қосим Шайхнинг

Зарафшон воҳаси халқларига гамхўрлиги салмоқ касб этди, натижа берди.

Қосим Шайх қўлида “Аллоҳ буйруқларини улуг тутмоқ ва унинг яратганларига меҳрибон бўлмоқ” дарсини ўқиган Ҳасанхўжа Нисорий “Музаққир ул-аҳбоб” асарида ёзади:

“Қосим Шайх Азизон вужуддан кечмоқ ва мавжудни дариф тутмаслик назариётини чунонам мартабасига етказганлар. Ва ҳозир одатдан ташқари кароматлар билан эҳтиёж водийига ташналар лабини поклик зилолидан сероб этиб, уларнинг ҳожатларини енгил этиш ва даражотларини кўтаришда улуг сайъ-ҳаракатлар қилмоқдалар, малакий сифат зотлари билан тушқунлик водийининг маҳрумларини тариқат маслаги ва ҳақиқат мамлакатларига етиш шарафини топтиришда сабаб бўлмоқдалар”.

Бу таърифда Қосим Шайх фазилат ва сифатларининг уч жиҳати, хос сийратларнинг аломатлари балқиб турибди. Биринчидан, Қосим Шайх вужуддан кечиш, яъни, нафсни тийиш илмини қойилмақом қилиб эгаллади. Аммо бу яралувчи-мавжудлар эҳтиёжманд бўлишини ёдда тутишига монелик қилмайди. Иккинчидан, Ҳазрати Шайх ўзига хос, одатдан ташқари кароматлари билан кўпчиликни ҳидоятга бошлади. Ора йўлда қолиб, қийналаётганларга Иломнинг поклик зилолини тутиб, қалб ташналигидан халос айлади. “Ҳожатларини енгил этиш ва даражотларни кўтаришдаги” фидойиликлари саноксиз эди. Султонлар тақдиригача аралашиб, уларга тож-тахтларни эгаллашда ёрдамлашгани, ҳоқимиятларини мустаҳкамлаб берганлари ҳам шу жумлага киради. Ўткинчи дунё адолатсизликларидан иродаси бўш, имони суст кишилар тушқунлик исканжасида қолиб, ҳалок бўлишади. Қосим Шайх фариштасифат табиати билан қанча-қанчаларни

ана шу ҳалокат чоҳидан тортиб олиб, Аллоҳни севиб, уни ёд этиш йўлига — тариқатга киритди. Уларга ҳақиқат ва адолат мамлакатини кўрсатди.

Қосим Шайх зоҳиран зоҳид бўла олмади... 1549-йилда Бухоро ҳокими Абдулазизхон вафот этгач, Бухоро тахтини эгаллаш учун шайбонийлар ўртасида ўзаро кураш бошланди. 1551 йили Самарқанд ҳокими Абдулатифхон, Тошкент ва Туркистон ҳокими Наврўз Аҳмадхон Бухоро ва Миёнколни босиб олиш учун йўлга чиқишди. Кучлар тенг эмаслигини англаган Искандархон ибн Жонибекхон Миёнколни ташлаб, Анхуд ва Шибирғон томонга йўл олди. Шунда унинг ўғли, тожу тахт даъвогари, ўн етти ёшли шаҳзода Абдуллахон ташаббусни қўлга олиб, ғанимга қарши жангга отланди. У мудофаага қулай истеҳком Карманарақиблари билан учрашмоқчи бўлди ва Қосим Шайхдан ёвлари устидан зафар қозониши учун дуо қилишини, Кармана қўрғони мудофааси учун маслаҳат ва ёрдам беришини ўтиниб сўради.

Қосим Шайх Искандархон ва унинг ўғли Абдуллахоннинг инсофли-имонли эканини биларди. Бу фазилати келгусида юрт ободлиги, эл содати учун қўл келишига умид боғлади. У Абдуллахонга зафар тилаб, дуо қилди ва ўзи биринчи бўлиб, Кармана қўрғонига муридлари билан кўчиб ўтди. Шайх маслаҳати билан Абдуллахон ўз аскарларига яқин-атроф аҳолисини қўрғонга кўчиришни буюрди. Унинг кўшини рақиблариникига нисбатан кам сонли эди. Шунга қарамай, Кармана қўрғонига ўрнашиб олиб, мардонавор қаршилиқ кўрсатдилар. Ўн икки кун давом этган жангларда душман кўшини бирон-бир натижага эриша олмади ва охири сулҳ тузишни маъқул топишди. Сулҳ битимида Самарқанд яқинидан олиб келинган дарвеш шайх Алиободий билан Қосим Шайх ҳам иштирок этишди. Шайхлар раҳнамолигида рақиблар ярашди. Босқинчи ҳокимлар ўз юртларига қайтиб кетди. Ҳамда ўлканинг обод бўлиши ва халқнинг осойишта яшашида кўп хизматлари сингган Абдуллахоннинг келажагига йўл очилди.

Абдуллахон иккинчи Қосим Шайх маслаҳатларига қатъий амал қилар, Самарқанд, Балх, Тошкент, Туркистон султонлари ҳам у билан ҳисоблашишар эди. Бу унинг ўта тақводорлигидан, эл-юрт манфаатини ўз манфаати, тождорлар ҳою ҳавасидан юқори қўя билганидан эди.

1568 йили Самарқанд, Тошкент, Ҳисор султонлари Шаҳрисабз қалъасини Хусрав султондан тортиб олиш учун ҳужум бошладилар. Абдуллахон бундан манфаатдор эмасди. У қўшин билан йўлга чиқди. Аммо етиб бормасидан Шаҳрисабз қўлдан кетгани, Хусрав султон ўлдирилганини эшитди. Шунда уни бутунлай ваҳима босди. Тез орада султонлар етиб келиб, ундан Бухоро тахтини тортиб оладигандай туюлди. Вақтида тож-тахтдан воз кечиб, ҳажга жўнамоқчи бўлди.

Бу ниятдан уни жўйбор шайхларидан Хўжа Калон зўрға қайтарди. Аммо шунда ҳам унинг кўнгли тинчимади. Хон Қосим Шайх марҳаматига мушарраф бўлиш умидида бошьяланг, оёқьяланг ҳолда Бухородан Кармана сари йўлга чиқди. Унинг бўйнида бир арқон боғланган, бу ипнинг бир учи от устидаги Оталиғи қўлида эди. Унга Работи Маликда пири учради. Воқеадан хабардор бўлгач, дуо қилиб, сўзи охирида: “Сенга шодлик етишди”, дея каромат қилди. Абдуллахон шу бир сўз далдасида ўзига келди, руҳиятини тиклади, ғанимлари устидан ғалаба қозонди.

Қосим Шайх ҳеч қачон бир ҳукмдор томонида турмас, унинг сояи давлатида тинчгина ибодат қилишни кўзламас эди. Юртдаги уруш-жанжаллар уни ранжитар, ҳукмдорларни инсоф-имонга чақириб, орадаги ихтилофларни қон тўкмасдан ҳал этиш пайида бўлар эди. 1569 йили Самарқанд ҳокими Саид султон ва Туркистон ҳокими Бобо султонлар иттифоқ бўлиб, Абдуллахон устига юрдилар. Дастлаб Миёнкол еридаги Дабусия қалъасини қамал қилишди. Дабусияда Абдуллахоннинг амакиси Сулаймон Султон ўз ўғли билан турарди. Абдуллахон қамални ёриб, муҳолифларини чекинтирди. Бобо султоннинг, Шаҳрисабз меники бўлиши керак, деган даъвоси жанг ҳаракатлари билан амалга ошмади. Шунда Бобо султон Қосим Шайхнинг диний-сиёсий мавқеидан фойдаланиб, мақсадини амалга оширмоқчи бўлди. Ўз вакили орқали Қосим Шайхдан Шаҳрисабзни тинч йўл билан ўзига беришга Абдуллахонни кўндиришни илтимос қилди. Ва ҳеч бир қон тўкмасдан Шаҳрисабз унинг тасарруфига ўтди. Қосим Шайх аралашмаса, бу иш амалга ошиши душвор эди.

Элда хатарли вабо касали тарқалди. Ҳазрати Азизон бутун юртни вабо даҳшатидан асраб қолиш учун ўзи ва муридларигина бу касалга йўлиқишларини сўраб, эрта-кеч Аллоҳга тавалло қилишга тушди. Дуоси қабул бўлиб, бемор ётганида уни кўриш учун келганларни ўзига яқинлаштирмасдан, яқинлари орқали деркан: “Биз Худо розилигига мушарраф бўлиб, ўзимизни бу мамлакат аҳли (саломатлиги) учун қурбон этдик. Зинҳор бу ўлкага келманг. Ҳазрат Рисолатпаноҳга (Муҳаммад алайҳиссаломга) саловатлар бўлсин, ул зот айтган эканлар: “Вабо келган юртга ҳеч ким келмасин ва ул юрт аҳли ҳеч қаёққа бормасин”.

Қосим Шайх 1578 йили вабо касали билан оғриб, вафот қилди. У ўз хонақоҳи ёнига дафн қилинди.

Қосим Шайхдан бир ўғил, икки қиз қолди. Ўғли Хўжа Хурд ўз даврининг илмли кишиси бўлиб етишди, тақводорликда падари бузруквори йўлини тутди. Шайх Азизоннинг нақшбандий жўйбор шайхлари олдида ҳам қадри баланд, шахси азиз тугиларди. Улардан бири Хўжа Саъд Қосим Шайхнинг ўлиmidан сал олдин унинг хонақо-

ҳига ташриф буюриб, кўп илтифотлар кўрди. У суҳбат орасида ўз ўғли Хўжа Тождин Қасим Шайхнинг қизига уйлантириш, шу билан ўртада қуда-андачилик ипларини боғлаш нияти борлигини билдирди. Хўжа Тождин Қасим билан Қосим Шайх қизининг (манбаларда номи кўрсатилмаган) никоҳ тўйлари 1592 йилда бўлди. Тўй бошида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон турди. Аммо бу тўйни кўриш Қосим Шайхга ҳам, Хўжа Саъдга (1589 йил вафоти) ҳам насиб қилмади. Бир йил ўтиб бу никоҳдан Хўжа Юсуф туғилди. Унга буюк боболаридан яхши хислатлар юққан эди. Унинг хати бениҳоя гўзал, Қуръони каримни ҳам хуш ва ширали, бетакрор бир овозда қироат қиларди. Тўққиз ёшида уни отаси она бобоси Қосим Шайх ўринбосари этиб тайинлади ва Хўжа Юсуф тариқатда ҳазрати Қосим Шайх йўлидан кетди.

Бизнинг кунларимизгача етиб келган Қосим Шайх хонақоҳи 1558 йили улуғ пирига эҳтиром сифатида Абдуллахон томонидан тиклана бошлайди ва қарийб йигирма йил давомида қурилади. Иш бошида Қосим Шайхнинг ўзи турди.

Қосим Шайх хонақоҳи мажмуи гўзал тарихий-меъморий обида. У катта гумбазли масжид, ўнта бир-бирига туташ ҳужралар ҳамда айвондан иборат, бўйига 37, энига 17 метр майдонни эгаллаган яхлит иншоот. Мовий гумбазининг баландлиги 14 метр.

Бинонинг уч томони пештоқли бўлиб, жанубий пештоқ ҳашаматли, баланд, икки ён — шимолий ва ғарбий пештоқлари ҳам ўзига хос зийнатланган. Масжиднинг эшиклари икки ён томондан очилади. Масжид ичкарасидан йўлак орқали ён ҳужраларга ўтилади. Шу йўлакдан шарқ томонга юрилса, фишт устунли айвонга чиқилади. Бу ерда Қосим Шайх даҳмаси бор. Масжид олд томонининг икки ҳужрасига ташқаридан кирилади.

Мажмуанинг алоҳида майдонида яна бир бино — хонақоҳ жойлашган. У амир Абдулаҳадхон сағанаси. У 1910—1911 йилларда амир Олимхон томонидан қурилган ва хонақоҳ сағанаси Қосим Шайх даҳмасига ўхшатиб солинган, аммо ундан икки-уч баробар кичик ҳажмдадир.

Қосим Шайх хонақоҳи XIX аср охиригача асосан сўфий ва дарвишлар учун бошпана хизмати ни ўтайди. Хонақоҳ ва унга туташ ҳужраларда мадраса талабалари ҳам истиқомат қилиб, устозларидан сабоқлар олган деган маълумотлар бор. Бу бино XX аср бошидан масжидга айланди. Айниқса, жума кунлари теваракдан кўпчилик намозхонлар йиғиладиган, ҳатто амир, султонларгача келиб намоз ўқийдиган бўлди.

Фазлиддин ТОШЕВ,
Кармана тумани, “Қосим Шайх” жомеъ
масжидининг имом-хатиби



Лавҳ халқ амалий санъатининг гўзал намуналаридан биридир. Лавҳ мутолаа вақтида устига китобни очиб қўйиладиган маҳсус курсича, таглиқдир. Ота-боболаримиз азалдан илм ўрганишга қизиққанлари учун китобларни жуда эъзозлашган. Шу сабабли лавҳлар тайёрлашга ҳам жуда нозик дид, эътибор билан ёндашишган.

Лавҳ яхлит ёғочдан ҳеч қандай елим ва миҳсиз ишланади. У ўзига хос мукамал тузилишга эга. Лавҳни ясашда бир нечта талабларга риоя қилиш керак:

1. Лавҳ овқат қўйиб бўлмайдиган шаклда ишланиши керак. Унга овқат қўйилса, қанчалик тозаланмасин, кўзга кўринмас ёғ юқилари қолиши мумкин. Бу доғлар эса китобнинг ифлосланишига сабаб бўлади. Қолаверса, ношаръий таомлар ҳам қўйилиши мумкин. Бу эса илм ва китоб учун нолойиқ ҳол ҳисобланади.

2. Ўтириш учун ноқулай ва нозик бўлиши лозим. Кичик курси каби ўтириладиган нарсаларга ҳам китоб қўйиш ножоиздир.

3. Елим ишлатилмаслиги керак. Чунки елим тери, суяк ва турли чиқиндилардан тайёрланади.

4. Китобхон эгилганида китоб билан кўз орасидаги масофани сақлаш меъёрига мосланиши зарур. Китоб жуда яқин ёки жуда узоқ бўлса, кўзда қон босими ортиб, китобхон тез толиқади. Бунда қўл кафтидан тирсаккача бўлган узунликни сақлаш тавсия этилади.

5. Лавҳ жуда ихчам бўлиши керак. Бу жиҳат сафарда ёки бошқа шунга ўхшаш шароитларда қўл келади.

Лавҳлар ўйиб ёки нақш тушириб безатилади. Ҳозирги кунда усталар икки, тўрт, олти, ўн, ҳатто ўн олти табақали лавҳлар ҳам ясайдилар.

Комилжон ТУРДИҚУЛОВ